



ИШОНЧ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 1995 йил, 30 июнь • 26 (220)

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» номли янги китобини таништириш маросими бўлиб ўтди. Унда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари раҳбарлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Маросимни Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дуст очиб, муаллифнинг ушбу китобда акс этган мулоҳазалари, Ўзбекистонда утказилган иқтисодий ислохотларнинг чуқур таҳлили ва истиқболи хусусидаги фикрлар билан йиғилганларни қисқача таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат Кумитасида ҳам Президентимизнинг ушбу китобини тақдим этиш маросими бўлди. Унда олий мактаб, халқ таълими, фан, техника, спорт, миллий-маданий марказлар, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари намоёндалари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган бу асар республика иқтисодиётини ривожлантириш истиқболларини, бозор иқтисодиёти қонунларини урганишда муҳим назарий-услубий қўлланма бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти миллий валютани мустақамлаш ва унинг ички эркин алмаштирилишини таъминлаш, республикага чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва истеъмол бозорини тўлдирish учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон чиқарди.

ДАВЛАТГА 87 минг тоннадан зиёд галла сотиб режани муваффақият билан адо этган Андижон вилояти галлакорларига ва 80 минг тоннадан ошириб дон сотган Наманган вилояти галлакорларига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов табрикнома йўллади.

«КУҚДУМАЛОҚ» конида газни комплекс тайёрлайдиган қурилмани барпо этиш ва уни ишга туширишни таъминлашга қўшган ҳиссалари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётган «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси ва «Узмонтажмахсускурилиш» уюшмаси корхоналарининг намуна курсатган ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонлари ва Фахрий ёрликларига сазовор бўлдилар.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармонида кура Уктам Кучқорович Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истиқболни белгилаш ва статистика Давлат Кумитасининг раиси этиб тайинланди.

КУП йиллик самарали хизматлари, республикада маданиятни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Эркин Қаҳҳорович Ҳайитбоевга мамлакатимиз Президентининг Фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди.

ТОШКЕНТДАГИ «Меҳржон» маданият ва истироҳат боғида республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами нишонланди. Тантанали республика Журналистлар уюшмасининг «Йилнинг энг яхши журналистик иши» қурик-танлови ғолибларига мукофотлар ва лауреатлик нишонлари тошғирилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармони билан Рустам Расулович Иноятлов Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси этиб тайинланди.

БУЮК БРИТАНИЯ ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Барбара Логан Хей хоним ҳамда Гана Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Ивунтома Бава Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрликларини тошғирдилар.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов Австрия Федерал канцлери Ф. Враницкийнинг шахсий вакили, собиқ ички ишлар вазири Карл Блехани қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Австрия уртасида ҳар томонлама алоқаларни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов Австрия Федерал канцлери Ф. Враницкийнинг шахсий вакили, собиқ ички ишлар вазири Карл Блехани қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Австрия уртасида ҳар томонлама алоқаларни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов Австрия Федерал канцлери Ф. Враницкийнинг шахсий вакили, собиқ ички ишлар вазири Карл Блехани қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Австрия уртасида ҳар томонлама алоқаларни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

НОН — РИЗҚ РЎЗИМИЗ



Мамлакатимизда галла мустақиллигининг таъминланишига Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» тажриба фермер хўжаликлар уюшмаси аъзолари ҳам баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. 1700 гектар майдондаги галлани ўриб олиш ниҳоясига етиб қолди.

Суратда: хўжалик касба уюшмаси кўмитаси раиси Баҳодир Бойбутов (ўртада) галла ўрмининг бориши ҳақида механизатор билан суҳбатлашмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

КОТИБЛАР КУНИ

Ўзбекистон касба уюшмалари XV қурултойи ҳужжатлари ва республика ҳукуматининг фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қарорлари ҳамда юртбошимизнинг бу борадаги Фармонларидан барча бошлангич ташкилотларининг тула хабардор бўлиши, уларни бехато рўйбга чиқариш учун тадбирлар белгиланиши бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Наманган вилоят кумитаси ҳар

ойда бир мартадан «Котиблар куни»ни утказишни режалаштирди. Яқинда ана шундай тадбир Чуст туманида бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туманларидаги тармоқ кумиталарининг котиблари иштирок этдилар. Улар хўжаликлар ва ташкилотлардаги бошлангич касба уюшма кумиталарининг бу борадаги фаолияти билан танишдилар. Бундай тадбир ҳар ойда вилоятнинг барча туманларида навбат билан утказилди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Бозор иқтисодиётига утиш босқичида аҳолининг кенг қатлами ижтимоий ҳимояланишига эришиш касба уюшмаларининг бош вазифаси бўлиб қолмоқда. Наманган вилояти касба уюшмалари кенгаши фаоллари гуруҳининг Янгикўрган туманида уюштирилган йиғилиши асосий йўналиши ана шу мақсадга қаратилди. Гуруҳ аъзолари икки кун давомида жойларда бўлиб, Президент Фармонлари ва республика ҳукуматининг бу борадаги қарорлари қандай бажарилаётгани билан танишдилар. Хўжаликлар, қурилиш ташкилотлари, саноат корхоналари ва давлат муассасалари бошлангич касба уюшма кумиталарининг фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги фаолиятларини ургандилар, ҳато-камчиликлар аниқланган жойларда уларни бартараф этиш юзасидан йўл-йўриқлар бердилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ФАРМЕД

ЕТАКЧИ ФИРМАЛАРНИНГ СИФАТЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАРИ

Хусусий ва жамоа дорихоналари раҳбарлари ҳамда фуқаролар диққатига!

ФАРМЕД хусусий фирмаси Исроил давлатининг Тева фирмасидан келтирилган «ЦЕФАЛЕКСИН»

капсула шаклидаги антибиотикни ҳамда хорижда чиқарилган 200 турдан ортиқ бошқа дори-дармонларни тақлиф этади.

Тулов шакли — нақд пул, чек дафтарчаси ва пул утказиш йули билан амалга оширилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, «Ибрат» кучаси.

Транспортлар: 8, 17-трамвайларнинг Зие Саид кучаси йўналишидаги «6-поликлиника» бекати.

Телефонлар: (3712) 47-98-90, 47-98-94, 47-37-69

Факс: (3712) 47-22-98

Сизнинг доришунослик соҳасида ўзбекистонлик ҳамкорингиз.



Кундан кунга кичик корхоналарнинг кенг қуламли фаолияти дукон пештахталарини бойтаётган моллар-ла кузга ташланмоқда.

Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги «Азиз» хусусий кичик корхонаси бир йил мобайнида 17 хилдаги халқ истеъмоли молларини тайёрламоқда.

Суратда: харидорғир маҳсулотларни моҳир тикувчи Маликахон Улмасова сингари қули гул чеварлар тикмоқдалар.

К. УЛМАСОВ олган сурат.

ФАОПЛАР УҚУВИ

Тошкент давлат аграр университетида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси шаҳар, туман ва бирлашган касаба уюшмалар кўмиталари раисларининг ўқуви бўлиб ўтди. Республиканинг барча вилоятларидан ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган тингловчилар (уларнинг сони 60 киши) бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касаба уюшмаларининг вазифалари, вужудга келган муаммоларни ечиш йўллари, амалга ошириладиган ислохотларда уларнинг ўрни ва роли мавзуларига бағишланган лекциялар, суҳбатларни тингладилар.

Ўқувни Федерация кенгаши ва касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг масъул ходимлари, Қишлоқ ҳўжалик вазирлигидан олимлар олиб боришди.

Б. АКБАРОВ,

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси бўлими бошлиғи.

КҮРИК-ТАНЛОВ

Андижон вилоят касаба уюшмалари бирлашмасининг «Меҳнат — буюк ҳуқуқ ва бурчдир» мавзуида ўтказиладиган кўрик-танловда энг яхши бошланғич, туман, шаҳар ва тармоқ касаба уюшмалари фаолият жиҳатидан аниқланиб, танлов ғолиби бўладилар. Танлов асосан уч босқичда ўтади. Ҳозирча вилоятдаги энг яхши бошланғич касаба уюшмалари, энг яхши туман ва шаҳар касаба уюшмалари аниқланди.

Асака шаҳар 41-автобаза касаба уюшмаси, Булоқбоши тумани 13-мактаб касаба уюшмаси, Андижон ип-газлама ишлаб чиқариши бирлашмаси касаба уюшмаси, «Андижонгидромаш» заводи касаба уюшмалари ўз тармоқлари бўйича ғолибликка эришдилар. Энди гап ғолибларнинг ғолибини аниқлашда. Уларга эса бирлашманинг катта совринлари тахт қилиб қўйилган.

З. РҶЗИЕВА,

«Ишонч» мухбири.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Марказий курорт ва санаторийларда йуланмалар нархи ва йул ҳақи ниҳоятда ошиб кетганлиги боис касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни соғломлаштириш асосидаги фаолияти ҳам маълум муаммолар пайдо бўлди. Баъзан узок шаҳарлардаги курорт-санаторийларга йуланмалар сотилмасдан қолаётганлиги ҳам шундан. Ваҳоланки, Хоразм вилоятида ишлаётган меҳнаткашларнинг 60 фоиздан зиёдриги турли касалликларга чалинганлиги аниқланган. Шу боис маҳаллий шароитда уларни соғломлаштириш бош вазифа қилиб қўйилмоқда. Ҳозир унта санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Хонка туманида давлат аҳамиятидаги 500 уринли санаторий, Гурлан, Урганч шаҳрида янги санаторий-профилакторий қуриляпти. Ишлаб турган соғломлаштириш масканлари кенгайтирилмоқда. Масалан, яқинда «Урганчтрансгаз» давлат корхонасига қарашли «Ҳилол» санаторийсида яна бир қулайлик яратилди.

Шихазар АҲМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.

Шаҳарларда қад кутараётган куркам бинолар қурувчиларнинг сергайрат меҳнатлари мевасидир. Самарқанд вилояти Нарпай туманида ҳашаматли бинолар қад ростламоқда. Бунда 407-маҳсус механизацияланган кучма колоннанинг баракали меҳнат ҳиссалари бор. Бугунги кунда қурилиш ташкилоти нафақат туманда, балки вилоятда пешқадам жамоалардан биридир. Кейинги ун ой натижалари ҳам фикримиз далили бўла олади. Утган даврда бош пудрат бўйича қарийб бир миллион сумликдан зиёд бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шу жумладан, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларини ободонлаштириш бўйича 500

минг сумликдан зиёд, йул қурилиши бўйича 250 минг сумлик, ичимлик сув тармоқлари қуриш бора-сида 51 минг сумлик иш бажарилди. Бу хайрли ишлар Самарқанд вилоятининг Нарпай, Пахтачи, Каттақурғон, Навоий вилоятининг Ҳатирчи ва Нурота туманларидаги унлаб маиший, маъмурий, тураржой иншоотларида амалга оширилди. Бундай катта бунёдкорлик ишларида ишчи-хизматчилардан Раҳмат Шерматов, Фозил Вафоев, Бахриддин Тухтаминев, Турсун Егузоков, Юсуф Шовқиев, Зокир Тухтаев, Рим Содиков, Жамол Қосимов, Мавлон Эргашев, Мақсул Қодиров, Убайдулла Абдуллаев ва Баҳром Самадовларнинг айниқса, муносиб улушлари бор.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бундай катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари ҳақиқий тадбиркорлик туфайли амалга ошириляпти. Бундан олти йил бурун бу ерда ҳатто асфальт тайёрлаш учун қурилган битумни қайта ишлаш цехи ҳам йуқ эди. Бу хилдаги хомаше катта сарф-харажатлар эвазига четдан келтири-

«Бошқармамининг ҳам, касаба уюшмамининг ҳам бориға шукур. Тез-тез йуқлаб, бирда гуруч, бирда пиёз киритиб турибсизлар, минг раҳмат...»

Ҳар гал кишилардан ана шундай миннатдорчилик сузларини эшитганимда, беихтиёр қувониб кетаман. Ҳа, одам борки, эзгулик ҳақида ўйлаб, бировларга яхшилик қилиб яшасин экан. Яхшилик ерда қолмайди...

Нафсиларини айтганда, мустақиллик туфайли қулға киритган эркинлигимиз, танлаб олган йулимиз узи шунга тақозо қилади. Узок йиллар ишлаб чиқариш ва жамоат ташкилотларида орттирган тажрибамга таяниб шунга айта олманки, яхшилик қадр топадиган замонга энди етишдик. Бу замонда жамоаси ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан кучли ҳимояланган корхонадагина ишлаб чиқариш баракали бўлиб, одамлар турмуши фаровон кечадди, осойишталик сақланади.

Бу омилларнинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини касаба уюшма кўмитамиз ва Аслиддин Оромов етакчи бўлган бошқармамининг маъмурияти турри тушунган ҳолда иш олиб боришда нур устига нур бўлмоқда. Шу масалалардан бирортасининг ечилишида муаммо туғилгундай бўлса, узаро маслаҳатлашиб чорасини топишга ҳаракат қилаётганимиз шундан далолатдир.

Баъзи сабабга қура, утган ой маошини кечикиб бериш хавфи туғилди. Шунда Аслиддин Ҳошимович ва бошқармамининг бошқа раҳбарлари билан масалани уз вақтида ҳал қилишга киришдик. Уйландик, изландик, тушган таклифларни биргаллашиб ургандик. Ниҳоят, шартнома бўйича бажариб берган ишимиз учун Шурчи ун комбинатидан пул урғига ун олиш маъқул, деган тухтамга келдик. Бунга ун комбинати маъмурияти ҳам, касаба уюшма ташкилоти ҳам рози бўлди, албатта. Шундай қилиб, комбинатдан келтирилган унни жамоамиз аъзоларига маошига ҳисоблаб, тақсимлаб бердик. Бу ишимиз туфайли, рўзгорлари қарийб икки ой нон билан етарли таъминланганидан улар беҳад севинышди. Худди шу йул билан бундан олдинроқ турт тонна пахта мойи тарқатиб берганимизни ҳам айтсак, хурсандчилик устига хурсандчиликлар меҳнаткашларимиз кайфиятининг нақадар кутаринкилигини курсатиб турибди.

Мақсадга эришишда мавжуд ердამчи ҳужалигимиз ҳам муҳим роль уйнамоқда. Ҳужалигимизнинг 70 гектар экин ери бор. Шу майдонларда етиштириляётган бугдой, пиёз каби маҳсулотларини ҳар бир киши бошига 50 килограмдан бепул бермоқдамиз. Ердამчи ҳужалигимизда боқилаётган 60 бош қора мол ҳисобидан ишловчиларимизга йилга уч-турт марта бозордагидан 50 фоиз арзон нархда семиз гушт сотмоқдамиз. Зарарли ишларда ишлайдиганлар эса шу ҳужаликда тайёрланган қатиқ билан таъминлаб турилибди. Жамоамиз аъзолари оилаларининг гуштга бўлган талабини тулароқ қондириш мақсадида, ердამчи ҳужалигимиз қошида жуға очириб цехини ишга туширдик. Кишилар бизни туғри тушунишди. Эндиликда уларнинг ҳар бирининг уйида унлаб парранда боқилаяпти. Булар шу цехдан бозордагидан 50-60 фоиз арзонга олиб келингандир.

Бошқармамининг жамоаси 240 кишидан иборат. Ишнинг хусусиятига қура, уларнинг бир қисми навбати билан бўлса-да, уй-жойларидан йироқда автомобиль йуллари ва куприклар қуришади. Демак, бу кишиларга иш бошида тунаб қолишга туғри келади. Бунинг учун уларга ойлик маошининг 35 фоизи миқдорда қушимча ҳақ ва овқатланish қиймати туланади. Кўмитамиз ана шу қушимчалар билан бир қаторда ойлик маошларининг турри туланишини назорат қилиб турибди. Бундан ташқари, маъмурият билан келишган ҳолда, тунаб қолиб ишловчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминлашни ҳам йулга қуйдик.

Ишловчилар ва уларнинг ўқувчи-фарзандларининг соғ-

лиги ҳақида гамхурлик қилишга кўмитамиз алоҳида эътибор бермоқда. Мана уч йилдирки, болаларнинг эзги оромгоҳларда ҳордик чиқариб, соғлиқларини яхшилашлари учун бериладиган йуланма қийматининг ота-оналар тулайдиган қисмининг 50 фоизини кўмитамиз тулаб келаяпти. Биз, шунингдек, ишловчи ота-оналарнинг соғлиқларини тиклашлари учун ҳам қулайлик яратиб қуйганмиз. Демокчиманки, вилоятимиздаги Жайронхона шифохонаси ҳисобига ҳар йили шартнома асосида бошқармамининг пул утказиб турибди. Шунинг ҳисобидан ишчи-хизматчилар, муҳандису техник хизматчиларимиз чунтақларидан бир сум ҳам туламасдан даволанмоқдалар.

Касаба уюшма кўмитамизга ҳар ойда моддий ердამ сураб берилган 8-10 тагача аризани ҳал қилишга туғри келмоқда. Аризаларнинг муаллифларини тушунса бўлади — биров қиз чиқарса, биров келин олади, бошқа биров углини армия сафига қузатса, яна биров болаларини мавсумий кийинтирмоқчи бўлади. Хуллас, утган беш ой давомида 54 оилага нақд пул билан 20 минг сум ердამ бердик. Шахсий уй-жой қурувчиларга эса цемент, труба, арматура, пишқиқ гишт бераймиз.

Урни келганда, фахрийларимизга курсатаётган аниқ адресли ердამларимиз ҳақида тухталмоқчиман. Кўмитамиз ҳисобида 6 нафар уруш, 18 нафар меҳнат фахрийси туради. Уларнинг барчаси уз вақтида корхонамизда ишлаган ва шу жойдан урушга кетган, меҳнат фахрийлигига чиққан кишилардир. Шунинг учун ҳам биз моддий ердამ масаласида уларни зинҳор эътибориб қуймаяпмиз. Байрамларда соғва-саломлар билан йуқлаб турганимиздан ташқари, вақти-вақти билан ун, гушт, гурунч, пиёз ҳам улашиб турибмиз.

Таҳлил ва қузатишларимиздан шу нарса маълум бўлмоқдаки, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазани устивор йулга қуйганимиз учун ҳам, меҳнаткашларимиз оилаларидан бирортасига моддий етишмовчилик чанг солгани йуқ. Ахир, бизда олдий ишчи олаётган моддий ердამни пулга чақиб ҳисобланганда, ойига 1050 сум ва ундан ҳам ошириб маош олмоқда. Бундан ташқари, бирор киши эртасига ишсиз қолишдан ташвишланиётгани ҳам йуқ. Биз бундай хавфни қушимча иш уринлари ташкил қилиш билан олдиндан бартираф қилмоқдамиз.

Бундан ташқари иш шароитларини яхшилаш масаласи ҳам доимий диққат марказимизда бўлиб келаяпти. Шулар туфайли ҳам жамоамининг ҳар бир аъзоси узиға бирикитриб берилган техника воситасидан самарали фойдалана бориб, ишлаб чиқариш режаларини ҳар доим орттига бажариш билан бошқармамининг даромадининг қупайишига муносиб ҳисса қушимоқда. Чунки оладиган ойлик маоши ва моддий ердამ салмоғининг қупайиб бориши аввало корхонанинг бойишига боғлиқлигини яхши тушунишади. Бу йулда касаба уюшма кўмитамизни узи учун яқин маслаҳатчи, меҳрибон қумакчи деб биладилар. Қийинчиликларни тинч меҳнат ва сабр-тоқат билан енгитиш туғрисидаги даъватимизга амалий иш билан жавоб бераётир.

Рашид АБДУЛЛИН,

Сурхондарё автомобиль йуллари ва куприклар қуриш бошқармаси касаба уюшма кўмитасининг раиси.

Бош мезон — ижтимоий муҳофаза

ларди. Ташкилотнинг узида битумни қайта ишлаб берадиган цех қурилди.

Эндиликда бу ерда ободонлаштириш ва йул қурилишининг энг асосий маҳсулоти бўлган асфальт тайёрлаш кенг йулга қуйилган. Ҳозирги пайтда ҳар қайсиси соатига 35 тонна асфальт тайёрлаб берадиган иккита кичик завод ишлаб турибди. Бу заводлар эҳтиёж туғилганда бутун бир вилоятни ҳам шу хилдаги маҳсулотлар билан таъминлаш имкониятига эга.

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг такомилла-

**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ҚИСКАРТИРИШ ПАРСИЗ
АМАЛГА ОШАЯПТИ**

шиб бориши уз-узидан ишчи уринларини қискаришини тақозо этади. Аммо шундай пайтда муҳим ишлаб келаятган ишчи-хизматчиларини ишдан бушатаверини инсофдан эмас. Қурилиш ташкилотига ана шундай муаммонинг келиб чиқмаслиги учун темир-бетон маҳсулотлари, дурадгорлик ва кулолчилик цехлари қурилиб, фаолият қурсата бошлади. Натияжада, бир участкадан «қискартирилган» ишчи, иккинчи участкада ишлаб кетаверади.

Халқимиз айни пайтда бозор иқтисодиётига утиш даврининг иқтисодий қийинчиликларини бошдан кечирмоқда. Бу иқтисодий қийинчиликлар уткинчи эканлигини, Узбекистон келажги буюк давлатлигини, ҳар бир онгли инсон

сеезиб ва ҳис этиб турибди. Ана шундай бир пайтда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш йулларини излаб топиш, ҳужалик, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Мазкур механизацияланган кучма колоннада ҳам масаланинг ана шу томонига алоҳида эътибор берилляпти. Ишлаб чиқаришдаги ютуқлар эвазига қурилиш ташкилоти ҳазинасига тушаётган соф фойда миқдори ҳам ошиб бораётир. У туфайли жамоа аҳли жорий йилининг утган ун ойда 200 минг сум соф фойда билан ақунлади.

Ҳар бир ишчининг ойлик иш ҳақи уртача 400 сумга туғри келмоқда. Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларга овқат пули, меҳнат таътилига чиққан пайтларида камида бир ойлик маош миқдорига қушимча пул, моддий ердამ сумрожаат қилганларга 300-400 сумдан маблағ ажратилмоқда. Шунингдек, туй-маърака утказувчилар ташкилот ердამчи ҳужалигидан бепул битта қуй ва бир қош ун билан таъминланмоқда.

Яқинда ташкилот ердამчи ҳужалиги ер майдони 20 гектарга қупайтирилиб, 28 гектарга етказилди. Янги қуниб олинган ерга кузги бугдой экилди. Унинг ҳосили келгуси йили ишчи-хизматчиларга бепул тақсимлаб берилиши мўлжалланмоқда. Ички имкониятлардан тулик фойдаланиш ва талбиркорлик билан иш олиб борилиши ёш муҳандис Муҳиддин Раҳимов бошлиқ механизацияланган кучма колоннада эриштиляётган меҳнат ютуқларининг кун сайин қупайишига кенг йул очаяпти.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Мустақиллигимизнинг иқтисодий пойдеворини мустақкамлашга хизмат қилувчи йирик sanoat объектларининг бирин-кетин ишга тушаётганини фахр-ифтихор билан кузатиб турибмиз. Улар сафига энергетика гиганти — Янги Ангрэн ГРЭСининг 7-энергоблоки ҳам қўшилиётгани мамлакатимиз тараққиёт йулидан дадил бораётганлигининг яна бир жонли шохидидир.

Кувончли воқса арафасида мухбиримиз шу ерда бўлиб, бир қанча интервьюлар олиб қайтди. Қуйида улар билан танишасиз.

Виталий Геннадьевич МАРКЕЛОВ — Янги Ангрэн ГРЭСи қурилиши бошқармасининг бошлиги:

— Ҳар бир энергоблокнинг ишга туширилиши биз учун катта воқеа. 7-энергоблок қурилиши ва ускуналар монтажнинг ниҳоясига етказилишини эса, жамоамизнинг муҳим талабаси дейиш мумкин. Станциянинг олдинги олти блоки собиқ Иттифоқ шароитида бунёд этилиб, моддий ашёлар, ускуналар Россия, Украина, бошқа республикалардан узлуксиз келиб турганда-да. Қурилиш ва монтаж ишларининг узида ҳам тармоқнинг бешта йирик иқтисослашган бошқармалари қатнашишган.

7-энергоблокни эса, узимиз мустақил бунёд этишимизга тугри келди. Албатта, қийинчиликлар оз эмасди, баъзи бир узига ишонмайдиغانлар, овра булманглар бари-бир уддасидан чиқа олмайсизлар, деб бизларни чучитишга ҳам уринишди. Бироқ ҳукуматимизнинг, республика энергетика вазирлигининг доимий ғамхурликлари, эътиборлари туфайли, жамоамиз қўйилган вазифани уддалади. Ускуналарни етказиб бериш, моддий-техника таъминоти билан боғлиқ муаммолар тезкорлик билан ҳал этиб борилди. Еқилги — мойлаш ашёлари, бошқа зарур материаллар узлуксиз келиб турди.

«Ўзбекгидроэнергетикақурилиш» трести жамоамизнинг бошқармаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Толлимаржон, Тахиятош ва Тошкент ГРЭСларидан бизга ҳашарга келган ҳамкасбларимиз айниқса қурилишнинг яқунловчи босқичида катта ёрдам бердилар.

Жуда катта иш ҳажми бажарилди, албатта. Буни аниқроқ тасаввур этиш учун айрим рақамларнигина келтириб ўтаман. Ишга тушириладиган объект буйича 1 млн. 100 минг куб метр ер ишлари бажарилди, электроник ва технологик ускуналар монтаж буйича 17200 тонналик, бетон ва темир бетон монтаж буйича 44 минг 500 куб метр иш ҳажми адо этилди. 615 километр масофага кабель тортилди.

7-энергоблок ишга туширишга тахт қилиб қўйилганлиги билан жамоани қўллаш билан бирга, олдимизда ҳали сунгги 8-энергоблокни қуриш ва монтаж қилиш вазифаси турганлигини эслатиш жоиз деб ўйлайман. Уни бунёд этиш буйича салмоқли ишлар амалга ошириб қўйилган — пойдевор кўтарилди, сув тазаловчи ишшоотлар қурилган. Энг муҳими — зарур иш тажрибаси, малакага эга булган аҳил жамоамиз, унинг барча аъзолари жанговар тайёрларлик ҳолатида турибдилар. Ҳукуматимиз, энергетика вазирлигининг доимий мадади остида жамоамиз белгиланган муддатларда ҳамма ишларни адо этиб, Янги Ангрэн ГРЭСи тулик қувват билан ишлаб бошлашига сира шубҳам йўқ ва у мамлакатимиз энергетика тизими куч-қудрати, барқарорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Сайфиддин НАСРИДДИНОВ — Янги Ангрэн ГРЭСи қурилиши бошқармаси 1-ушасткасининг бошлиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи:

— Мен бу ерда энергетика гигантининг биринчи гишти қўйилганидан буен меҳнат қилиб келяман. Ун йил муқаддам бу ерлар тап-тақир чул эди. Эндиликда қандай улугвор ишшоотни бунёд

этиб қўйганимизни узингиз куриб турибсиз. Нуробод қургони — нурчилар шаҳарчаси ҳам электр станцияси билан бирга қад кўтарди.

Утган йиллар куп нарсаларни бошдан кечирдик — машаққатлар ҳам, муваффақиятлар ҳам булди, кувончли ва ташвишли дамларимиз бор — улар ҳар қандай мушкулотни енгишга қодир.

Ҳамма бирдек яхши меҳнат қилди, кимларнидир алоҳида ажратиб кўрсатиш қийин. Лекин, ҳар қалай, комплекс бригада бошлиги Исмонқул Йўлдошев, электрғазпайвандчи Эргаш Ақромов, томёпувчилар бри-

лашди. Электрпайвандчилардан Ю. Маматов, А. Алексеев ва бошқалар айниқса меҳр билан, бор кучларини аямай меҳнат қилишди. Шунинг ҳам айтиш жоизки жамоамиз асосан ёшлардан иборат — уртача ешимиз 30 дан ошмайди.

Айни пайтда биз уринбосарларимиз ҳақида қайгуришни ҳам унутайтганимиз йўқ. Бошқармамиз Ангрэндаги 24-иқтисослашган ҳунар-техника билим юртига оталик қилади, аниқроғи, уни барча зарур нарсалар билан, шу жумладан стипендиялар билан тула таъминлаб келяпти. Фикримча, уларнинг аксарияти саккизинчи—сунгги энергоблок монтажи мобайнида чинакам ҳаёт мактабини утайди.

Куриб турибсизки, 7-энергоблокни тугатар тутатмас, фикри-зикримиз келажак ишлар ҳаёли билан банд. Нима ҳам дердик, ҳаёт бу ҳаракат, олдинга интилиш, яна бир қадам олға қўйилди.

ЯНГИ АНГРЭН ГРЭСи:



7-ЭНЕРГОБЛОК ИШГА ТАЙЁР!

гадаси бошлиги Равшан Муротов, дурадгор Анорқул Сулаймонов, бетончи Саттор ака Элчиев, сувоқчи Қумри Қўшматова, Тамара Романларнинг юксак малакалари, масъулият ҳисси, ижрочилик интизомларини таъкидламастикнинг иложи йўқ.

Александр Александрович СОЛОВЬЁВ — Янги Ангрэн ГРЭСи монтаж бошқармаси бошлиги:

— Энергетика соҳасида купдан буен ишлаб келаман — 1971 йили Сирдарё ГРЭСини бунёд этишдан ишни бошлаганман. Бу ерда 1982 йилдан — 1-энергоблок қурила бошлаганидан бери меҳнат қиламан. 7-энергоблокнинг бошқаларидан туб фарқи унинг уз кучимиз билан бунёд этилганидир. Турбинани ҳам улкан қозонни ҳам узимиз монтаж қилдик. Бу ишнинг қанчалар мураккаблигини таъкидлаш учун шундай рақамни келтирмоқчиман: фақат қозоннинг ичида пайвандлаш ишларини бажариш чоғида ишчиларимиз 18 минг 100 та монтаж чокларини пайванд билан ямаб чиқдилар. Шунинг ҳам айтиш керакки, бу ишлар юксак сифат билан, заргарона аниқлик билан юқори даражада мустақкам қилиб адо этилди.

Баъзида жуда мураккаб, машаққатли ҳолатларга дуч келардик. Лекин йиғилгимиз барака топишсини, ҳаммасига дош бердилар, юзимизни ерга қаратишмади. Уларнинг ҳаммасига, айниқса юқори босимдаги труба қувурлар монтаж буйича етакчи мутахассис Мамарасул Омондиқовга чуқур миннатдорчилик билдиришни истардим. Унинг раҳбарлигида ишлаган Владимир Пшеничний бригадаси топириқларини муддатидан ва сифатли бажаришга муваффақ булди.

Техник тафсилотлар билан бошлангичи оғритиб ўтирмайману, лекин улар жуда масъулиятли ва мураккаб ишни маҳорат билан уdda-

Абдурасул Қорахон угли БОЗОРОВ — Толлимаржон ГРЭСи қурилиши бошқармаси бошлиги:

— Юз кишидан иборат қурувчилар отрядимиз Янги Ангрэн ГРЭСи қурилишидаги ҳамкасбларга ҳашарга келганига бир ойдан охири қолди. Таркибимизга энг яхши мутахассисларимиз — пайвандчилар, пардозчилар, том ёпувчилар бор. Улар Абдурасул Абдуназаров бошлиқ комплекс бригада ҳамда Норбой Эргашев билан Қўчқор Ҳотамовларнинг пардозчилар бригадаларида ишлашяпти.

Навбатдаги энергоблокни тезроқ ишга туширишга қўлдан келганча кумаклашни бурчимиз деб биламиз. Бизнинг одамларимиз асосий бино ва муҳандислик — лаборатория корпуси биносининг олд томонини пардозлашда ишлашяпти, ободончилик ишларини ҳамда муҳандислик тармоқларини тиклаш ишларини бажаришяпти. «Ўзбекгидроэнергетикақурилиш» трестимизда бундай узаро ёрдам, ҳашар ишлари яхши анъаналарга айланган.

Фурсатдан фойдаланиб, шунинг таъкидлашнинг истардикки, тармоққа раҳбарликни оқилона йўлга қўймасдан, маъмурият билан касабани уюшмалари уртасида барча бугинларда — касабани уюшма Марказий Кумитасидан то ҳар бир бошлангич ташкилотгача бир-бирларини яхши тушунай туриб, бундай муваффақиятларни қўлга киритиб булмасди. Айниқса, техника хавфсизлиги масаласига алоҳида эътиборни қўриб ўтиш керак. Бу жиҳатдан айниқса бизнинг соҳамизда ҳушёр бўлиш талаб этилади. Ишлар асосан катта баланликда катта кучланишни ток остида бажарилади, турли хил техникалар куп булади ва ҳоказо.

Албатта, бу масала билан биринчи ишхонанинг узи — яъни раҳбар бевосита шуғулланиши, касабани уюшмаси

билан ҳамкорликда ишлаши талаб қилинади. Менинг шахсий фикрим шундайки, кимки техника хавфсизлиги масалаларига етарли эътибор бермас экан — у яхши раҳбар эмас. Ахир бу ишловчиларнинг ҳаёт-мамот масаласида. Аслини олганда айни шу масалага эътибор кучайгани туфайли тармоғимизда бахтсиз ҳодисалар сони қисқарди, жароҳатланмишлар камайди.

Урни келганда бир таклифимни уртага ташламоқчиман: Тармоғимиз корхоналарида чет эллардагидай чиroyли ва қўлай коржомаларда юришни ташкил этиш керак.

Ниҳоят, мен 7-энергоблок фойдаланишга туширилатгани билан ҳамкасбларимни чин қалбдан қўлайман ва уларга омад, бахт тилайман.

Йиғилгани Ҳалил угли ҚУЛБОЕВ — Янги Ангрэн ГРЭСи қурилиш бошқармаси касабани уюшма қўмитаси раиси:

— Касб моҳиятига қўра ходимларимиз купинча мураккаб шароитларда, баъзан эса, экстремал ҳолатларда иш олиб бордилар. Айниқса, электрстанцияси қурилиши дастлаб бошлатганлар куп қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Ахир ҳаммасини тап-тақир ерда, жазирама ёки ёгин-сочинли очик ҳавода олиб боришга тугри келди-да. Бундай пайтларда касабани уюшма қўмитаси маъмурият билан бирга ишловчиларни барча зарур нарсалар — турар-жой, иссиқ овқат билан таъминлаш, меҳнат ва дам олиш учун зарур шароитни яратиб бериши муҳим аҳамиятга эга.

Иш давомида биз ҳамиша республика раҳбариятининг эътибори ва мададини, вазирлик ҳамда «Ўзбекгидроэнергетикақурилиш» трестининг амалий қўмагини ҳис этиб турдик. Янги Ангрэн ГРЭСи қад кўтарар экан, у билан баравар Нуробод шаҳарчаси бинолари ҳам бунёд этиб борилди. Ишчиларни қурилишга ва уйга хизмат автобуслари элтиб қўяди, комплекс иссиқ овқат билан бирга парҳез таомлар тайёрловчи ошхона узлуксиз ишлайди, ходимларга доимо сўт берилади. Доимий равишда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалаларига эътибор бериб келамиз.

Барча ходимлар коржом ва индивидуал ҳимоя воситалари билан таъминланган, доимий равишда тушунтириш ишлари олиб борилади, керакли маслаҳатлар берилади. Техника хавфсизлиги буйича 17 жамоатчи инспектор доимий назоратни амалга ошириш билан бирга, мунтазам рейдлар ўтказадилар. Ҳар ойнинг 9 — 10 кунлари техника хавфсизлиги кўнлари ўтказилади. Унда қурилишнинг ҳар бир булинмасида техника хавфсизлигини таъминлашнинг аҳволи синчиклаб таҳлил этилади, амалга оширилган ишларга баҳо берилади.

ГРЭС қошида поликлиника ишлаб турибди. Қурилишнинг узида тиббий пункт бор. Яқинда ходимларимизнинг 45 фарзандини болалар соғломлаштириш оромгоҳларига жўнатдик. Ота-оналар йўлданмалар нарҳининг атиги 10 фоизини тулашди ҳоло.

Ешларимиз спорт билан шуғулланадилар. Спорт турлари буйича мусобақалар ўтказиб турилади. Айниқса, республика биринчилигида қатнашаётган футбол командамиз билан ҳаммамиз фахрланамиз.

Қисқа қилиб айтганда, меҳнат жамоамиз 7-энергоблокни топишар экан навбатдаги ва сунгги саккизинчи блокни ҳам муддатидан ишга тушириш учун шай бўлиб турибди. Мамлакатимизнинг электр энергетикаси тизимини мустақкамлаш унинг қудратини оширишга хизмат қилиш — бизнинг олй бурчимиз.

Иқтисодий янгиликлар

ҚИШЛОҚДА КОРХОНА

Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги «Гигант» жамоа ҳужалигида унга яқин қишлоқ жойлашган. Кейинги пайтларда Марказий Фарғона массивидаги мақсур ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам аҳолини иш билан таъминлаш қийинлашиб қолди. Шунда туман ҳокимлиги тугри қарор қабул қилди. Бу ерда пахта қайта ишлайдиган корхона қуришга киришилди. Янги sanoat тармоғи бир мавсумда 13 минг тоннагача ҳосилни қайта ишлаш қувватига эга булади. 146-ҳужаликлар механизациялашган кўча колонна қурувчилари бунёд этаётган ушбу корхона ишга тушгач, атроф қишлоқлардаги ишсизлик муаммоси бир қадар ечилди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

СУНЬИЙ ТОПАДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Жиззах шаҳридаги «Зилола» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятининг куп кишилик жамоаси ҳашар йули билан суньий топадан ип ишлаб чиқарувчи кичик фабрика биносини қуриб битказган эди. Яқинда тадбиркорлар Украинанинг Клипцова шаҳридан олиб келинган суньий тола қирқувчи, пилталаш-гараш, тиликлаш, йиғирув ва уров машиналари урнатишди. 49 та машинани ишлашни таъминлашда М. Алимов, М. Саидмирзаев, Т. Тошпулатов каби тадбиркорлар жонбозлик кўрсатишди.

Эндиликда, Саратов ва Навоий шаҳарларидан келтирилатган суньий хом ашёлардан акрил ипи — суньий топадан пшиқ-пхта ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кичик фабрика бир суткада 2 тонна, бир ойда эса 50-60 тоннадан ип тайёрлаш имконига эга булди. Кичик фабрика машиналари жемпер, иссиқ халатлар, болалар учун бош кийимлари, пайпоқ, шарф тайёрлапти. Ишчилар Тошкентдаги «Спартак» фабрикасида ип урганиб, малакаларини ошириб қайтадилар.

— Кичик фабрикаимизда 3 меенада жами 70 киши меҳнат қилади, — дейди корхона бош ижнери Мавлон Нажмидинов. — Жамоамиз «Зилола» ҳиссадорлик жамиятини, Маржонбулоқ ва Жиззах пайпоқ туқиш фабрикаларини хом аёш билан таъминлайди. Натижда бу жойлардаги 1000 нафар киши вақтинча ишсизлик хавфидан қўтилади.

А. ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири.

ШИФОХОНА ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Қироқчи туманидаги Чияли ширкат-жамоа ҳужалигида аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда ҳужаликнинг Уймавут ва Оқтунли қишлоқларида тиббиёт амбулаториялари ташкил этилди. Ҳужалик ҳудудидаги барча қишлоқларда тиббиёт пунктлари фаолият қўрсата бошлади. Айни, шу кунларда эса ҳужаликнинг Чувиллоқ қишлоғида 80 уринга мулжалланган шифохона қурилиши тезкорлик билан олиб боришмоқда. Қурилишни «Ўзлон» концернига қарашли Қарши шаҳридаги «Бунедкор» қурувчилар жамоа корхонаси аъзолари олиб боришмоқда. Ҳасан Аннаев, Шавкат Зиедуллаев, Салим Йўлдошев каби қурувчилар шифохона биносини тез ва сифатли фойдаланишни топириш мақсадида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

ИШБИЛАРМОНЛИК ВА БОШҚАРУВ

Абуқодир ўғли Абдусадир —
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

Оилавий ишбилармонликнинг самараси бошқарувга бевосита боғлиқ. Купчилик корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилиш шунинг кўрсаткичи, бошқарув қанча юқори савияда олиб борилса, иш вақтини йўқотиш шунча паст, унумдорлик, сифат кўрсаткичлари эса юқори булар экан. Аксинча, бошқарув қанча паст даражада бўлса корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам шунга яраша бўлади.

Маълумки, ҳозирги замон ишлаб чиқариш жараёни анча мураккаб бўлиб, унда хилма-хил дастгоҳлар, ишлаб чиқариш буюмлари, турли касб эгаси бўлган меҳнат-кашлар иштирок этади. Ишлаб чиқариш жараёнида беҳуда йўқотишлар юз бермаслиги учун унинг барча элементларини мувофиқлаштириб, бошқариб туриш керак.

Бошқарув нима? Оила аъзолари бошқарув туғрисида нимани билишлари керак? Бошқарувнинг маъносини машҳур француз олими Анри Файоль яхши тарифлаб: «Бошқарув бу корхона ихтиёридаги барча ресурслардан максимал фойда олган ҳолда уни мақсад сари етаклаш», — деган эди.

Ҳар қандай корхонанинг олдига турган асосий мақсад куп маҳсулотни кам харажат билан сифатли қилиб ишлаб чиқариш ва куп фойда олиш. Ана шу мақсадларга эришиш асосан бошқарувга боғлиқ.

Анри Файоль бошқарув олдиндан кура билишдан бошланади, кейин режалаштириш вазифаси бажарилади, деб таъкидлаганди. Режа амалга ошириш учун ташкилотчилик, мувофиқлаштириш ва назоратга тегишли вазифалар билан шугулланиш керак бўлади, деганди, у яна.

Анри Файольнинг бошқарув тушунчаси ва бошқариш жараёнида 5 та асосий вазифани бажариш кераклиги ҳақидаги фикри ҳозирги кунда ҳам у аҳамиятини йўқотгани йўқ. Файоль қайд қилган 5 та асосий вазифалар қуйидагилардан иборат: олдиндан кура билиш, режалаштириш, ташкилотчилик, мувофиқлаштириш ва назорат.

Бошқариш жараёнида олдиндан кура билиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Купчилик жараёнларни кузатиб, уларнинг узгаришига қараб ишлаб чиқариш бошқарилиб турилади. Масалан, маҳсулотта бўлган эҳтиёж, нарх-наво, техника, технологияларнинг узгариши ишлаб чиқаришга катта таъсир қурсатади. Шунинг учун вазиётга қараб, керакли узгаришларни зудлик билан амалга ошириш — муҳим масала.

Режани туғри тузиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, маҳсулот ҳажмини белгилаганда уни барча ресурслар билан таъминлаш ва уларни етказиб бериш масаласига катта эътибор бериш керак. Ташкилотчилик ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизли-

гини таъминлайди. Ташкилотчилик — бу моддий техника таъминоти, ишлаб чиқариш, меҳнат, бошқарувни ташкил қилиш, тайёр маҳсулотни сотиш. Ташкилотчиликка кунда юз берадиган муаммоларни тез ҳал қилиш билан боғлиқ фаолият ҳам киради.

Мувофиқлаштириш ва назорат ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Меҳнат-кашлар, цехлар ишини доимо мувофиқлаштириб туриш керак. Назорат берилган топшириқларнинг уз вақтида бажарилишини таъминлайди. Шунинг учун барча топшириқларнинг бажарилиши жараёнига назорат қилиб туриш зарур.

Ҳар қандай корхона, фирма, бирлашма, фермер хужалиги ёки бошқа турдаги ишбилармонликнинг бошқарув тизими шундай ташкил қилиниши керакки, бу тизим корхона ишига, унинг олдига қўйилган мақсадга мувофиқ баҳо бериб, лозим бўлса курсаткичларни яхшилаш учун уз-узини узгариштириш қобилиятига эга бўлсин.

Шунинг учун бошқарув тизими уз таркибини, мазмуни ва алоқаларини, усулларини узгариштириш қобилиятига эга бўлиши талаб қилинади. Бошқарув ишбилармонликнинг мақсадлари ва вазифаларини, ишлаб чиқариш жараёнларининг мақсадга мувофиқ ишлашини белгилайди, жараёнларни назорат қилиб туради.

Бирор маҳсулотни ишлаб чиқаришдан аввал тайёрларик ишлари олиб борилади. Бу ишлар тури, ҳажми олдиндан аниқланган бўлиб, уларни ниҳоясига етказиш ҳам бошқарувга боғлиқ. Ишлаб чиқариш жараёнида иш жойларида бажариладиган операцияларни мувофиқлаштириш, дастгоҳларнинг самарали ишлашини ташкил қилиш ҳам бошқарувга тааллуқли.

Бошқарув жараёни одатда қуйидагича амалга ошади:

- бошқариладиган объектнинг аҳоли, ишлаб чиқаришга салбий таъсир қурсатувчи омиллар туғрисида хабарлар йиғиш;
- объектнинг ҳар хил ҳолатини таҳмин қилиш ва муайян вазиётдаги энг яхши ҳолатини белгилаш;
- бошқаришга оид қарорларни ишлаб чиқиш ва уларни бажарувчиларга етказиш;
- берилган топшириқларни бажариш.

Шу тартиб доимо қайтарилиб туради. Бошқарувнинг аҳамияти корхонада у ёки бу сабабга кура узилиш пайдо бўлганда

янада ортади. Юз берган барча узилишларни бартараф қилиш бошқарувчиларнинг иши. Бошқарув жараёни амалга ошириш учун бошқарув органи тузилиши керак. Бу орган раҳбар, бухгалтер, таъминотчидан иборат бўлади. Иш куламини ортиб бориши билан бошқарувга оид ишлар ҳам купади. Шу муносабат билан бошқарув аппаратида ишловчи ходимларнинг сони ҳам ортиб бориши мумкин.

Бошқарув жараёнида юз берадиган вазиётларда масалаларни ҳал қилиш ҳаракатдаги қонунлар асосида амалга оширилиши даркор. Қонунни бузмаслик учун ишбилармонликда, албатта, ҳуқуқшунос иштирок этиши ва барча қабул қилинган қарорларни у билан келишилса яхши бўлади.

Энди, бошқарувсиз ишбилармонлик билан шугулланса буладими, деган саволни қуйиб унга жавоб берсак. Биринчидан, ҳар қандай ишбилармонликни амалга оширишда куплаб асосий фондлар иштирок этади. Ишлаб чиқариш фондларида унинг ишбилармонлиги, уларнинг самараларини ошириш бошқарувга боғлиқ. Чунки бошқарувчилар режа тузиб, таъминот масаласини ҳал қилиб, бузилса уларни тузатиб, сошлаб турадилар.

Бошқарув ишлаб чиқаришни, меҳнатни яхши ташкил қилиб, камчиликларни бартараф қилиш ҳисобига асосий фондлардан олиш мумкин бўлган натижаларни купайтиришга олиб келади. Иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнида куплаб ёқилги, электр энергияси, материаллар, хом ашё иштирок этади. Буларни бузмасдан, уз жойида ишлатиш, керагидан ортиқча захираларнинг пайдо бўлишига йул қўймаслик ҳам бошқарувга боғлиқ.

Айнан бошқарув моддий бойликларни ҳисоб-китоб қилиш, сарф қилинаётган буюмларни тежаб-тергап, уларнинг йўқолишига йул қўймаслик, нормалаштириш ишлари билан шугулланади. Бошқарув сушт олиб бориладиган жойда брак купади, ёқилги, энергия, материаллар, хом ашё, сарфи купаиб кетиб, самарадорлик пасайиб кетишига олиб келади.

Учинчидан, ҳар қандай ишлаб чиқаришда, жумладан оила корхонасида ҳам маълум миқдорда меҳнаткашлар ишлайди. Уларни иш билан таъминлаш, бажарган ишини ҳисобга олиб маош тулаш, ишчиларнинг бажарётган турли ишини мувофиқлаштириб бориш ҳам бошқарувнинг вазифаси.

Туртинчидан, бозор иқтисоди шароити-

да талабга қараб маҳсулот чиқариш, унинг юқори курсаткичи сифатини таъминлаш энг муҳим муаммолардан бири. Бу вазифани ҳам бошқарув бажариши керак. Шундай қилиб бошқарувсиз ишбилармонлик билан шугулланиш қийин. Иш боши — бошқарувчи уз ишини самарали бошқариши учун куп билимга эга бўлиши керак.

Бошқарув тула қонли амалга оширилиши учун бир қатор вазифалар бажарилиши лозим. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- корхона, цех, участка миқёсида умумий раҳбарлик қилиш;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотни узлуксиз такомиллаштириш;
- янги технологик жараёнларни узлаштириш, ишлаб чиқаришга жорий қилиш, уларни такомиллаштириш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини ва корхонанинг бошқа элементларини стандартлаштириш;
- ишлаб чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш;
- меҳнатни ва унга ҳақ тулашни ташкил қилиш;
- дастгоҳ, ускуналарни, энергетика хужалиги, ички биноларнинг иш ҳолатини таъминлаш, уз вақтида таъмирлаб туриш;
- маҳсулот сифатини текшириб, назорат қилиб туриш;
- ишлаб чиқаришни кундалик бошқариб туриш;
- асосий иқтисодий-техник курсаткичларни режалаштириш;
- бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий фаолият;

- моддий техника таъминоти ва тайёр маҳсулотни сотиш;
- истеъмол бозорини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқаришни режалаштириш;
- нархни белгилаш;
- ишчи мутахассисларнинг малакасини ошириш, тарбиялаш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш;
- ҳужжатлар билан ишлаш;
- ҳужалик ишларини юритиш;
- ташқи иқтисодий фаолият.

Қайд қилинган вазифалар билан шугулланиш оила корхонасининг мақсадлари, катта-кичиклигига боғлиқ. Корхона миқёси ошиб бориши билан фаолият куламини ҳам кенгайтириб бориш, бир йула ички ва ташқи бозорда иш олиб боришга ҳаракат қилиш лозим.

Юқорида қайд қилиб утилганидек, бошқарув оила корхонаси олдида қўйган мақсадларни бажаришга қаратилган. Амалда бошқарув ҳар хил усуллар ёрдамида олиб борилади. Бу усуллар қаторига иқтисодий, ташкилий-маъмурий, ижтимоий-руҳий, ҳуқуқий усуллар киради.

У ёки бу усулни ҳамда бир неча усулларни биргаликда уз урнида куллаш корхона ишининг самарасига бевосита таъсир қилади. Улар ҳақида суҳбатни кейинги дарсимизда давом эттираемиз.

ОИЛА БЮДЖЕТИ: ДАРОМАД ВА БУРОМАД

(11-дарс — 1)

САҲОВАТ ЗАМОНИДУР

Тадбиркор, айна пайтда саҳоватли, меҳр-оқибатли кишиларни республикамизнинг бойлиги, суянч тоғлари, ифтихорлари дейиш уриналидир. Утган йилнинг кузига қўнма Маргилон шаҳрининг ибратли маҳалларида кўриш булганида ободлигу фаровонликка, кўнгли бутунликка саҳоватпешалик қилаётган унлаб кишилар шаънига таҳсинлар айтилди.

«Чорчинор» маҳалла кўмитаси раиси муовини Исроиљжон Бекмирзаев биринчи навбатда шаҳардаги «Ёшлик» фирмаси раҳбари Анваржон Мирзаев номини тилга олди.

— Барака топадиган йигит, маҳалламизга муҳташам чойхона курдириб берди. Отагонлар ҳар кун чой устида ҳам, узаро суҳбат чоғларида ҳам Анваржонни дуо қиладилар. Отасига раҳмат! — дейдилар. Маҳалламизда 113 та кам даромадли оила бор. Анваржон ҳар ойда уларнинг ҳолаҳолидан хабар олиб, ёрдам бериб туради. Бир онахоннинг уйига газ тушириб бериб, дуосини олди.

— Анваржон бундай хайру-эҳсонларга пулни ердан супуриб олаётгани йўқ ёки молу давлат осмондан ёғилаётгани йўқ, — дейди Исроиљ ака гапида давом этиб, — тадбиркорлиги, меҳнати, ташкилотчилиги, айниқса халқпарварлиги туфайли аввало уз жамоасини миннатдор қилиб, узгаларга ҳам саҳоват қулини чузаяпти.

— Юрагида ути бор, жуда ҳаракат-

чан йигит, — дейди Анваржон ҳақида савдо, умумий оқатланиш, матлубот кооперацияси ходимлари касабга уюшмалари Фаргона вилояти кўмитаси раиси Урайимжон Сайдаматов, — уни ёшлигидан биламан. Тиним нималигини билмайди. Мулк шаклини узгариш ҳақида Президентимиз фармони чиққанида «Ёшлик» дуконини биринчилар қаторида хусусийлаштириб олди, уни кенгайтирди, маҳсулотлар турини оширди. Бир пайтлар дуконлар бум-буш бўлиб қолган чоғларда ҳам «Ёшлик» пештахталарини турли-туман маҳсулотлар билан тулдириб қўйди. Чунки у саноат ва озиқ-овқат корхоналари раҳбарлари билан чиқишиб, улар билан мустаҳкам алоқа боғлаб, халқ учун керакли кундалик маҳсулотларни олиб кела билди. У ҳатто Украина, Беларусия ва Россияларга қатнаб, улар билан ҳамкорликни йулга қўйган. Фирмада пойфақал цехи, болалар учун кийим-кечак тикиладиган цехлар очган. Навруз байрами кунлари унинг маҳаллаларга курсатган саҳоватини тасвишлашга эса сўз тополмайман.

Анваржон Мирзаев ҳақида яқинда Маргилон шаҳар ЗАГС идораси мудри Тожиҳон Дадахоновадан ҳам илиқ сўзлар эшиттандим.

— ЗАГС идораси учун шаҳар истирожат боғи ичида янги, чиройли бино қуриб берапти Анваржон. Идорамиз биниси бироз эскириб қолган, хоналар тор эди. Шарқ меъморичилиги асосида

қад ростлаётган бу гузал бино ҳадемай бахт оstonасига қадам қўяётган йигит-қизларимизга хизмат қилади. Шириндан-шакер фарзандларимизга туғилиш гувоҳномаси берилади бу ерда ва ҳоказо. Хуллас, Анваржоннинг яхшилиги йиллар оша асқотади.

Яқинда Маргилонга йўлим тушиб, «Ёшлик» фирмасига кириб утдим. Эл олқинини олган, муруватли бу йигит билан учрашиб суҳбатлашмиш ниятида эдим. Самимий, очик чехра, унлаб келди-кеттига, тинимсиз жиринглаётган телефонга оғир-босиқлик билан жавоб-муомала қилаётган ёшгина йигит узининг саҳоватли ишлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзласа керак, деб уйлагандим. Йўқ, Анваржон бу ҳақда ёзмаслигимни утиниб илтимос қилди. Қилинган яхшиликни айтиш одобдан эмас, умуман мен мақтовни ёқтирмайман. Элюрт учун ҳали эзулик хизмат қилолганим йўқ! — деди.

Муборак ҳадисларда «Агар кишилар сента яхшилик қилган булсалар, уларни асло унутма, агарки сен биронга яхшилик қилган булсанг — унут!» дейилган. Бу олижаноб йигит ҳам одамларга қилган яхшиликларини тез унутади. Ҳеч қачон биронга айтиб юрмайди. Одамлар у ҳақда айтиб юрадилар. Анваржонни ҳар қадамда олқинилайдилар.

Мана шунинг узи бахт эмасми, бебаҳо фазилат эмасми?

Саъяат МАҲМУДОВА,
«Ишонч» мухбири.


Спорт

СОФ ТАНДА — СОФ АҚЛ

Чироқчи туманидаги Чияли ширкат жамоа хужалигида спортни ривожлантириш, унинг ҳар хил турлари буйича мунтазам мусобақалар утказиб туришга эътибор билан қаралмоқда. Хужаликда спортга ҳавас қўйган, кураш буйича дуруст натижа билан туман, вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда фахрли уринларни кулга киритган Рамазон Боллиев, Саттор Ирзаев, Ҳасан Ирзаев, Ҳусан Эшқобиллов ва бошқа куплаб ёшларни тилга олиш мумкин. Эндиликда катта мусобақаларда дарага тушиб, қадрдон хужаликларнинг доврўгига доврўг қўшаётган Номоз Турақулов, Саид Яллаев, Мустафо Норқобиллов, Шодир Жуманов каби спортчилар хужаликнинг фахри ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки бу ерда нафақат спортнинг кураш тури, балки бошқа турларининг ҳам моҳир усталари борлигидан дил қувонади. Чироқчи тумани марказий уйингоҳида волейбол буйича касабга уюшмалари кишлоқ спортчилари уртасида утказилган мусобақада ҳам хужалик спортчилари фахрли 2-уринни эгаллашди. Улар волейбол буйича туман хужаликлари волейболчилари уртасида интизомли жамоа сифатида тан олинди. Волейболчилар мусобақасини ташкил этишда хужаликнинг спорт буйича жамоатчи ташвиқотчиси Абдурашид Боймуродовнинг хизматлари беқиёсдир. Кишлоқ спортчиларининг туман мусобақасида волейболчилардан Шухрат Рузиев, Абдуназар Жалилов, Тўлқин Бойназаров, Уткир Жовлиевлар айниқса маҳорат кўрсатишди.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ.



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ «МЕХР НУРИ» СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

АКЦИЯЛАР ЭМИССИЯСИ ПРОСПЕКТИ

Тошкент шаҳар Молия бошқармасида №14-1-95 рақами билан 14 июнь 1995 йилда рўйхатга олинди.

1. ЭМИТЕНТ РЕКВИЗИТЛАРИ

1. Компаниянинг тула номи: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Мехр нури» Суғурта компанияси.

Компаниянинг қисқача номланиши: АСК «Мехр нури».

2. Юридик манзили: 700165, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кучаси 24-уй.

3. Эмитентнинг давлат томонидан рўйхатга олинганлиги туғрисида маълумот: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1994 йил 11 октябрь куни реестр №389 билан рўйхатга олинган.

4. Эмитент саноат, банк, молия гуруҳларига, холдинг, концерн, ассоциация, жамоат бирлашмаларига тааллуқли эмас, товар, валюта, жамғарма ва бошқа биржаларга аъзо эмас. Эмитент Ўзбекистон касаба уюшмалар Федерациясига мустақил, субъект ҳуқуқий асосида қиради.

5. Эмитентнинг (жорий) ҳисоб рақами ва (булинмаларнинг) бошқа ҳисоб-китоблар номери, банкнинг хизмат курсатувчи муассасаларининг номери ва реквизитлари: Ўзбекистон касаба банк ҳисоб рақами 000467583, МФО 172646728, корреспондент рақами 700161428 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йулчи булимида.

II. АКЦИЯЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ

1. Умумий маълумотлар:

а) жамғарманинг умумий миқдори — 950000 сум;

б) акциялар сони — 1900 дона;

в) битта акциянинг номинал қиймати — 500 сум; (барча акциялар бир хил номинал қийматга эга).

2. Имтиёзли акциялар йўқ.

3. Номинал қиймат бўйича сотиладиган оддий акциялар:

а) акциянинг улуши — 100 фоиз;

б) акцияларнинг суммаси — 950000 сум;

в) акцияларнинг сони — 1900 дона.

4. Чиқарилган акцияларнинг шакли: нақд пулсиз, ҳисоб рақамларига эътилган ҳолда акцияларга сертификат берилди.

III. АКЦИЯДОРЛАР УЧУН МАЪЛУМОТ

Ҳар бир ҳиссадор акциядорлар йиғилишида шахсан узи ёки вакили қатнашиши, «Мехр нури» акционерлик суғурта компанияси Низомига мувофиқ муҳокамада тақлиф киритиши мумкин.

Ҳар бир оддий акция акциядорга йиғилишда битта овоз бериш ҳуқуқини беради, дивидент олиш шунингдек, «Мехр нури» акционерлик суғурта компанияси тугатилаётганда мол-мулкларининг тегишли қисмини олиш ҳуқуқи берилади.

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ.

«Олмалиқ» автомобиль ўқув ишлаб чиқариш комбинатининг муҳандис-техник ходимларини аттестациядан ўтказиш ҳамда ўқув комбинатига амалий ёрдам кўрсатиш учун «Ўзтрансходим» республика бирлашмаси бош мутахассиси Асқад Хайниев хизмат командировкасига юборилсин.

«Ўзтрансходим» республика ўқув ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Акбар Дадахўжасев имзо қўйган 24-ХС рақамли бўйруқдан.

Буйруққа биноан Олмалиқда келган бош мутахассис Асқад Хайниев акционерлик ўқув ишлаб чиқариш комбинати жамоасининг тақлифи билан директор Абдинуьмон Бекназаров раислигида аттестация ўтказиш комиссиясини тузди. Унинг таркибига директор муовини Абдувоид Умаров, касаба уюшма қўмитасининг раиси, инструктор Ташпулат Тожибоев ва бошқалар киритилди.

Автомобиль мактаби ўқитувчилари, инструкторлар ва ходимлар аттестациядан ўтиш қонун-қоидаси билан таништирилди. Аттестациядан ўтувчиларнинг билими, малакаси, ишчанлиги, назарий гоиларни амалда қўллаш олиши ва бошқа хислатлари ҳисобга олиниши таъкидланди. Ўқув-тарбиявий жараёндаги ютуқ ва камчиликлар инобатга олиниши қайд этилди.

«Ўзтрансходим» бирлашмаси тизимида 16 та акционерлик автомобиль мактаби бор. Сизларнинг ўқув юртингиз ёшларни ўқишга жалб қилиш, тингловчиларнинг имтиҳон натижалари, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш маблаг жамғариш бўйича республикада учинчи ўринда туради, деди бош мутахассис Асқад Хайниев аттестациядан ўтишга тўпланганлар хузурда. — Айниқса ўқув гуруҳларининг имтиҳон натижаларидан кўпчилик ота-оналар ва ДАН ходимлари мамнун бўлмоқдалар. «Ўзтрансходим» бирлашмаси маъмурияти маъқуллаган тадбирга кура, гуруҳларда ўқитган тингловчиларнинг 75 фоизи синов натижасига кура ҳайдовчилик гувоҳномасини олса, ўқитувчи моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади. Мана шу курсатки Олмалиқ акционерлик ўқув комбинатига 85 фоизни ташкил қилмоқда. Бу турдош ўқув юртилари уртасида тилга олса арзигулик рақамдир.

Автомобиль мактаби тулик ҳужалик ҳисобида фаолият кўрсатади. Бу ерда ўқиш бошқа мактабларга нисбатан сезиларли даражада арзон. Ўқув комбинати директори Абдинуьмон Бекназаров бозор иқтисодини ҳисобга олиб, тингловчилар оиласини назарда тутиб, ўқув нархини кутармаепти.

Ўқитувчи ва инструкторлар олган билетлардаги саволларда энг сунгги техника ютуқлари ва автомобилни бошқаришдаги қонун-қоидалар қам-

раб олиниб, улар мураккаб қилиб тузилганди. Аттестация ўтказишдан мақсад ҳар бир ўқитувчи ва инструкторни билим даражасини аниқлаб, қайси тоифага мансублигини белгилаб, шу асосда маош тайинлаш эди. Бу билан автомобиль мактаби ходимларини ижтимоий ҳимоялаш назарда тутилганди. Энг муҳими, келгусида ҳайдовчиликка ўқийдиган ёшларга машина қисмлари ҳақида пухта билим беришга эришиб, мамлакатимиз йулларида ҳаракат халфсизлигини таъминлаш эди.

Бу йил Олмалиқдаги автомобиль мактабининг жойлардаги бошланғич курсларида 600 нафар «ВС», 50 нафар «В» тоифасидаги ҳайдовчилар тайёрланади. «Е» тоифа учун 160 нафар, «Д» тоифага 270 нафар тингловчи имтиҳон топширади. 370 нафар ҳайдовчи газ қурилмали автомобилларни бошқариш ҳуқуқини олишади.

МУРАББИЙЛАР БИЛИМИ ОДИЛОНА БАҲОЛАНДИ

Автомобиль ҳайдовчилари тайёрланадиган курсларда 15 та олий маълумотли, 14 та урта маълумотли ўқитувчилар билим беришади. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги меҳнат фаолиятини шу ерда бошлашиб, иш жойларини узгартиришмаган. Эркин Холиқулов, Илс Халимовлар 30-35 йилдан буён, Незмат Мамажонов, инструктор Мамат Жияновлар 16-24 йилдан бери тингловчиларни машина бошқаришга ўргатмоқдалар. Мураббийларнинг кўп йиллик иш тажрибаси ва уз устида ишлаши без кетмаган. Бир сўз билан айтганда мактаб жамоасини юқори малакали мутахассислар ташкил этади.

Мактаб директори Абдинуьмон Бекназаровнинг ҳар бир ходимга тайёрлаган характеристикасида мураббийларнинг ижобий томони билан бирга, улар фаолиятидаги нуқсонлар ҳам қайд этилганди. Тажрибали ўқитувчи Эркин Холиқуловга тингловчилар ўқиш учун топширадиган маблагни тезроқ тўплашга эришиш, Илс Халимовга эса ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга тараддуд қўраётганлар уртасида ташкилий ишларни уз вақтида ўтказиш истаги билдирилганди.

Шу кун Олмалиқ акционерлик автомобиль ўқув комбинатининг кузатув кенгаши раиси Асқад Хайниев раҳбарлигида, мактаб директори Абдинуьмон Бекназаров тавсия қилган мате-

риаллар асосида, ўқитувчи ва инструкторларнинг иш услуби, маҳорати ва ўқув жараёнда курғазмали қуролларни қўллаш, саволларга берилган жавобларни инобатга олиб, комиссия аъзолари қарор қабул қилдилар. Қарор баённомасида Эркин Холиқулов, Иброҳим Маматқулов, Незмат Мамажонов, Абдувоид Умаров, инструкторлардан Абдусамат Саттаров, Илхом Тожидинов, Мамат Жияновлар биринчи тоифали 9-разрядли мураббийликка муносиблиги қайд этилганди. Сирожиддин Нурутдинов, Ҳасан Одилов, Султонбой Қурбоналиев, Рустам Турсунқуловларнинг билими ва иш тажрибаси иккинчи тоифали 8-разрядга лозим топилди. Бошқалар ҳам саволлардаги муаммолари масалаларни ҳал қилишига қараб тоифа ва разряд эгалари бўлишди.

Барча мураббий ва хизматчилар иштирокида комиссия хулосаси ўқиб берилганда, аттестация ўтказишга бош-қош бўлган «Ўзтрансходим» республика бирлашмасининг етакчи мутахассиси Асқад Хайниев ва комиссия аъзоларига ҳеч ким эътирозли савол билан муножарат қилмади. Бу ҳар бир ходимнинг комиссия хулосасига розилигини билдирди.

Фақат тажрибали ўқитувчи Мансурхон Абулқосимовнинг номаълум сабабга кура аттестациядан ўтишга келмаганлиги кўпчилигини таажжублантирди. Кимдир ҳамкасбларининг уйдан хабар олиш ҳақида фикр бидирди. Бошқалар бу фикрни маъқуллашди. Бу ҳам мактаб директори Абдинуьмон Бекназаров раҳбарлигида аттестациядан ўтишга пухта тайёрлик қўрган саралаш комиссиясининг одилона хулосасига эга бўлган жамоа аъзоларининг ҳамкасблари ҳақида қайғуриши ва ғамхўрлигининг тимсоли эди.

Новилож комиссия аъзолари ҳолисона йул тутишди. Улар имзо чеккан баённомани 38 ходимдан биргина Мансурхон Абулқосимов юқориди айтилгандек «номаълум сабабга кура» аттестация комиссияси фаолиятида қатнашмаганлиги қайд этилди.

— Шу кун «Ўзтрансходим» республика ўқув ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Акбар ака Дадахўжасевнинг Олмалиқ акционерлик ўқув ишлаб чиқариш комбинатига тааллуқли бўйруғини бош мутахассис Асқад Хайниев тулик уйдирганди. Аттестация бўғунги кун таллаблари даражасида ҳаққоний ўтказилганлигидан барча хурсанд эди. Бунга ҳар бир ўқитувчи ва инструкторнинг билими ва тажрибасига адолат нуқтан назардан баҳо берилганлиги омил бўлганди.

Сайдазим ШАРОФХОНОВ,
«Ишонч» мухбири.



Қоракўлчиликда Нуротанинг донги дунёга кетган. Нуроталик чорвадорлар ота-боболаридан бу соҳанинг сир-асрорларини ўрганиб, ёшларни ҳам ўргатиб келмоқдалар.

Хушманзара табиат қўйнида жойлашган Нурота туманида «Нурота», «Қизилча», «Ҳозғон» номли жамоа хўжаликлари илгорлардан саналади.

«Ҳозғон» жамоа хўжалигида меҳнат қилаётган Гулмира Обидова ёш бўлса ҳам малакали чорвадорлар сафидан ўрни олган. У кўзилатиш мавсуми режаларини юқори даражада қўйилдайдий бажарди.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат. (ЎЗА).

САЙЁРАМИЗ ОВОЗИ

АҚШ ва Япония Женсвада утаётган савдо ишларига оид учрашувларининг муддатини узайтиришди. Музокаралар АҚШда ишлаб чиқарилган автомобиллар Япония автомобиль бозорларига кириши босқини анча вақтдан буён давом этаётган келишмовчиликни бартараф этишга қаратилган. Музокараларда АҚШнинг савдо ишлари бўйича давлат вакили Ники Кондор ва Япониянинг халқаро савдо ва саноат министри Рапино Хошимонто қатнашдилар.

БРИТАНИЯ Ташқи ишлар вазири Дуглас Херт яқин орада истафодага чиқишини маълум қилди. Ҳукумат вазири сифатида 16 йилдан буён ишлаб келган Д. Херт Вазирлар Маҳкамаси билан боғлиқ бўлган ўзгаришларда иштирок этмаслигини айтди. Аммо парламент аъзоси сифатида ўз фаолиятини давом эттириб, Бош вазир Ж. Мейжернинг тарафдорларидан бўлиб қолмоқчи. Жаноб Мейжер «Д. Херт асрининг энг буюк Ташқи ишлар вазири» дея унинг фаолиятини изоҳлади.

МИСР Президенти Хусни Муборак машина деразаларининг ўқ ўтказмаслигидангина тирик қолганини маълум қилди. Қоҳирага қайтиб келган чоғида 5 та қуролланган кишилар унинг машинасига ҳужум уюштиришган эди. Эфиопия пойтахтида бўлиб утадиган Африка иттифоқи раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида қатнашиш учун Миср Президенти бу ерга келган эди. Президент Муборак суиқасдини Судандан келган ислом жангарилари уюштирган бўлиши мумкин, дея таҳмин қилди. Уларнинг 3 йилдан буён Муборак ҳукуматини ағдариш учун ҳаракат қилиб келётганликлари асосида у шундай дедан.

ОЛМОНИЯ ҳукумати собиқ Югославияга аскарлар ва ҳарбий тайёрларини юборишга қарор берганлигини маълум қилди. Олмония ҳукумати бундай тадбирни амалга оширса, иккинчи жаҳон урушидан кейин биринчи марта мазкур йўналишдаги ҳаракатларни амалга оширган бўлади. Оппозициядаги социал-демократларнинг эътирозларига қарамай Олмония ҳукуматининг қарорини парламент тасдиқлаши керак. Бу қарорга биноан Олмония тиббий ходимлардан иборат 1500 кишини ҳамда жанговар тайёрларини юборди, улар БМТ кучлари сафида хизмат қилишади.

АҚШ Президенти Б. Клинтон, БМТ бош Котиби Б. Голли БМТнинг 150 нафар элчиси БМТ 50 йиллиги муносабати билан Сан-Францискода ўтказилган тантаналарда қатнашишган. Бу шаҳарда 1945 йилда БМТ хартияси имзоланган эди.

ТАЙВАНДА бўлган кучли зилзила оқибатида битта одам ҳалок бўлди. Зилзиланинг кучи 6,5 баллга етиб, бир нечта бинолар шикастланди. Ҳалок бўлган одам эса ўз машинасида кетаётган, кўчки тағида қолиб кетган экан.

ХИТОЙ ҳукумати гиеҳванд моддаларнинг гайри қонуний олди-соттилариди айбланиб, жазога ҳукм қилинганларнинг номини халққа эълон қилди.

Одамийлик сабоқлари

САЛОМДА
ХИКМАТ КУП

Донишманд халқимиз саломлашиш одобига қадим-қадимдан бери катта эътибор бериб келади. Ҳар бир шарқ оиласи хонадонда нонушта дастурхони атрофига саломлашиш билан йиғиладилар. Кичиклар «ассалому алайкум» десалар, катталар уларга «ваалайкум ассалом» деб жавоб қайтардилар, яъни бу арабча калималарнинг мазмуни сизга тинчлик, хотиржамлик тилайман деб салом берган кишига, сизга ҳам шуни тилайман дея жавоб қайтаради алик олган киши.

Ота-бобларимиз, маҳалла-қўллардаги обрўли кишилар саломга тўлиқ алик олишни оилада, куча, гузарларида ёшларга доимо ўргатиб турадилар. Афсуски, шунга қарамай, баъзилар эътиборсизлик билан чалароқ жавоб қайтариб, салом, алик-салом, салом-салом каби иборалар билан кифояланадилар. Ваҳоланки, муқаддас китобларда, хусусан ҳадиси шарифларда саломга тўлиқ жавоб бериш кераклиги ўқтирилади. Жумладан, «салом бермоқ суннат, алик олмоқ фарз» деган жумла борки, унинг маъноси салом бериш ихтиёрий, яъни пайгамбаримиз салоллоху алайҳи вассалламнинг ҳаётларида бажариб турган суннат амаллари жумласига киритади. Шариати исломияда суннат амални бажарса савоб бўлади, аммо бажармаса гуноҳ бўлмайди дейилган. Фарз амаллар Аллоҳ томонидан буюрилган намоз ўқиш, руза тутиш, закот бериш, имкони бор мусулмон киши умрида бир марта ҳажга бориши каби фарз амалларини бажариш шарт ҳисобланади. Тўлиқ алик олишнинг ҳосияти улугдур. Куръони Карим Нисо — аёллар сурасининг 86-оятда «Қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки ҳеч бўлмаса ўша иборани қайтаринглар. Албатта Аллоҳ ҳамма нарсани ҳисобга олгувчи бўлган зотдир», дейилади! Бошқа диндаги кишига салом бериш масаласига ҳам «Нисо» сурасидаги 94-оят қаримада баён қилинган қўлидаги иборатлар ойдинлик киритади. Жумладан, унда шундай ёзилган: «Эй, муминлар, қачон Аллоҳ йўлида жиҳот учун сафарга чиқсангиз душманларингизни аниқ таниб олинглар ва бу ҳаёти дунёнинг нарсасини истаб сизларга салом берган кишига: «Сен мўмин эмассан!» деманглар. Зеро, Аллоҳнинг ҳузурда беҳисоб улжалар бордир. Изоҳ: Ривоят қилишларича, бир неча саҳоба пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳи вассалламнинг суҳбатдош, сафдошлари кетаётганларида олдиларидан қўй боқиб юрган бир киши чиқиб, уларга салом берибди. Шунда саҳобалар уларича: «Бу биздан қутилиш учун узини мусулмон қилиб курсатиб салом беряпти», дейдилар ва ҳалиги одамга ҳужум қилиб улдириб, қўйларини улжа қилиб пайгамбар алайҳи саломнинг олдиларига ҳайдаб келадилар. Шунда юқоридаги ушбу оят нозил бўлган. Бу ҳақда Исмоил Бухорий разияллоху анҳунинг қаламларига мансуб мусаннифотларида ҳам 4-ҳадис китобининг 9-бобида «Таниган ва танимаганга салом бермоқ хусусида «сарлавҳаси остида Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ салаллоху алайҳи вассалламдан «Исломда энг яхши амал қайсидир?» — деб суралди. Жаноб Расулуллоҳ: «Очларни туйғазмоғинг, таниган ва танимаган одамга салом бермоғинг», деб жавоб қилдилар. Шу уринда айрим мулоҳазаларни қўшиб утини деярлик деб ўйлаймиз. Чунончи, ким-кимга салом берса, унинг салому беғараз, бетаъма бўлмоғи керак.

Салом бермоқ турли диндаги кишиларда уларнинг динлари пайдо бўлган даврлардан бошланган. Бу ҳамда Исмоил Бухорийнинг «Ҳадис» мусаннифотларининг 4-китобининг 141 саҳифасидаги 1-бобда «Салом бермоқ қандай бошланганлиги ҳақда» сарлавҳаси остида шундай маълумот берилган.

Абу Ҳурайра разияллоху анху ривоят қиладилар: «Аллоҳ Таоло Одам Алайҳиссаломни уз суратида яъни, унга узидан бот бўлган «Тирик, билувчи, эшитувчи, курувчи, сузловчи, каби сифатларини ато этиб яратди ва буйларини олтимиш зираъ газ қилди. Яратиб булғач, ул кишига «Анави ултирган бир нафар фаришталарнинг олдида борғил-да, салом бергил, сўнг уларнинг сенга оладирган алигини яхшилаб эшитиб олгил, чунки, бу сенга ва сендан тарқаладиган зурриётларинга йўланган салом булғайдир!» — дейди. Одам алайҳиссалом бориб: «Ассалому алайкум! — Сизларга салом!» — дейдилар. Фаришталар: Ассалому-алайку ва раҳматуллоҳи! Сенга ҳам салом ва Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!» — деб алик олишди, сўнг яна: «Ва раҳматуллоҳи фа — кулли ман иадхулу-л-жанната ало сурати одам! Жаннатга Одам суратида қирадиган барча инсонларга ҳам Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!» — деб қўшиб қўйишди. Уша вақтдан бошлаб ҳозиргача инсоннинг хилқати табиати, киефаси, буйбасти камайиб бормоқда.

Масжидга, ҳеч ким йўқ уйга қираётганда салом бериш жоиз. Чунки масжид Аллоҳнинг уйи Байтуллоҳ бўлгани учун ҳеч ким йўқ уйдан инс-жинс шайтонлар чиқиб кетиши учун. Кичик ёшдагилар улўғ ёшдагиларга, ўткинчи киши ултирган кишига, озчилик купчиликка, суворий-отлик пиеддага, баъзан катта ёшдагилар кичикларига — болаларга бериши керак ва ҳоказо.

Юсуф хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» «Саодатга элтувчи билим» асарига ҳам саломлашиш одобига оид уринлар мавжуд.

Чунончи:
Салом бирла одам эминдур, омон,
Салом қилса бўлғай эмин тан ва жон,
Омонлик этар бахш салом қилгувчи,
Саломатлик олғай алайк олгувчи.
Ҳадик, таҳликада боқардим сенга,
Салом Бирла бердинг омонлик менга.

Ҳақиқатда ҳам ўзбек халқ эртақларида: «гар саломинг бўлмаса икки ямлаб бир ютардим» қабилидаги ибора саломлашиш кишини турли кўнгилсиз ҳоллардан сақлашига ишора этади: Ҳамиша эҳтиром ила саломлашиш ёдимизда бўлса, шояд Аллоҳ бизларни турли кўнгил хираликлардан омон сақласа.

Ҳасанхўжа МУҲАММАДХўжа ўғли,
ТошДУ «Мумтоз адабиёт тарихи» кафедрасининг доценти, филология
фанлари номзоди.

Ўзбекистон мустақил бўлганидан сўнг, хорижда истиқомат қилаётган ватандошларнинг ҳаёти, турмуш-тарзи билан қизиқиш кучайди. Ўзбекистон халқ шоир Э.

Унинг ўзбек-демократик шоири Муқимий шеърига тақлид этиб ёзган «Бачагар» радибли ҳажвияси шеърят мухлисларида анча катта таассурот қолдиради. Э. Учқуннинг шеърларида уйноқлик ва қайноқ жозоба, энгил юмор ва кўнгил очар ҳазил, ёқимли мутуйба ва хушчақчақликка кенг урин берилади.

Эргаш Учқун бир неча йиллардан бери АҚШда истиқомат қилади. Ватандан олисда була туриб шоир шеърларида она диёр табиати, Ватанининг гузалликлари ҳамда бойликларини тараннум этади. Фирок-фуркатда кўнглининг «ақлдан бегона-ю, жаҳаннам оташидек ёнаётган, юртнинг жамолига парвона»дек интилаётганини ёр висоли тимсолида моҳирона баён этади.

Эргаш Учқун Америкада хориждаги ўзбек ва бошқа туркий забон халқлар учун «Чапандоз» журналини нашр эттира бошлади. Қўйида шоирнинг «Қаъба — ул ўзбек» шеърини эътиборингизга ҳавола этамиз.

КАЪБА — УЛ ЎЗБЕК

Кел ватан, сен қаъба бўлгил, мен инонгонинг булай,
Қибламиз, деб чин юракдан сажда қилгонинг булай.
Айланиб тегрангда доим аҳли имонинг булай,
Бер ижозат, сизк ила ҳокруг! остонанг булай.
«Ҳар замон садқанг булиб, бир Лаҳза қурбонинг булай».

Сендин айрим қайси жаннатга бориб маво² тутай,
Боғларингни қайси фирдавс баринга ухшатай.
Сувларингни қайси замзам, қайси кавсарга сотаи,
Ҳар тоғинг бир кони жавҳардур, «қаро тошн» нетай,

Қайта-қайта қадқайи лали бадахшонинг булай.
Чақнашурлар сойларингда минг рақам турфа гиёҳ,
Қўрларингда ҳар чичаклар минг бир эллатга даво.
Қўрларинга қўмларинг ҳам сурмадур, ҳам тутий,
Ҳасратингда Қаъба мотамлар тутиб киймуш қаро,
Қаъбани йўлингга тортиб, назир қилгонинг булай.
Келмасам минг йил яна тупроқ тупроғим дурур,
Курмасам минг йил яна қишлоқ қишлоғим дурур,
Неча йил ўтса яна ул тоғлар тоғим дурур,
Эскимас кўнглимнинг ишқи ҳар аср чоғим дурур,
Сочу соққолим оққорган сари ҳайронинг булай.
Бир қоравулдек йўлингга термулиб юрдим сайёҳ.
Камназардин доимо юртимни тутгумдур йироқ³.
Қимда журят бўлса келсун, боқсун сенга бесурук,
Қизганиб оч бури янглиг куйинга бостиром оёқ
Бир вафодор ит каби ҳимматли посбонинг булай.
Ахтариб бир кун борурман киндигимнинг қонини,
Тасҳих⁴ этсун котиби қисмат яна девонани.
Қаъбат-ул ўзбек қабул этгоймикин меҳмонини,
Ҳаж Акбар, деб инонгон Машраби давронини,
Тобақай шайтон каби марлуди остонинг булай.
Қўй, маъони аҳли шеърингда ибора йўқ десун.
Ҳусни маъун тошбеҳув ё истиора йўқ десун.
Тош каби бағримни қурғач, мунда ёра йўқ десун,
Бу нечук Учқунки онда бир ошора йўқ, десун,
Ёр тагида яшурун сузанда⁵ вулқонинг булай.

Мавжуда РАЗЗОҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси Абу Райҳон Беруний
номли Шарқшунослик институтининг кичик илмий
ходими.

1. буса.
2. жой.
3. Юрти деб интилмайдиганлар.
4. тўғриламоқ.
5. ёнуқ.

«СЕН КАЪБА
БЎЛГИЛ ВАТАН»

Воҳидовнинг «Америкалик ўзбеклар», шарқшунос олимлардан Б. Аҳмедовнинг «Ўзбеклар» ва О. Усмоновнинг «Хуросон ўзбеклари» каби купина мақола ва монографиялари ана шу мавзуга қаратилган.

Республикамиз ҳаётида юз берган сўнгги узғаришлар, мустақиллигимиз биз тадқиқ қилаётган соҳанинг истиқболларини очиб берди. Афғонистонлик ўзбекзабон шоир Эргаш Учқуннинг фаолияти юртдошларимизни бефарқ қолдирмас.

Эргаш Учқун 1957 йилгача Маймандадаги Абу Убайд Жўзгоний номли урта мактабда муаллимлик қилади. Э. Учқун шеър ёзиш санъатини эгаллайди, форс, араб, ўзбек тилларини шу даражада мукамал ушлаштириб олдики, форс тили билан ўзбек тилларида нафис шеърлар ёзади. У узининг ўткир, тасвирчан ўзбек ва форс тилларида ёзган шеърлари билан шухрат қозонади. Уша йилларда Покистоннинг Карочи шаҳрида нашр этилган «Таржимони Афқор» номли ўзбекча журналда Э. Учқуннинг бир неча шеърлари «Учқун» таҳаллуси билан босилиб чиққан эди.

Э. Учқун фалсафий, лирик ҳамда ҳажвий

Илми нўжум талқинлари

ри билан шугулланишлар ҳам иншоаллох, кўнгиладигай натижаларга беражак.

МЕЗОН (21.09 — 22.10) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта наҳс келиши кутулади. Бунда иложи борича пул аралашадиган ишлардан тийилиб туриш, шартнома ва битимларга имзо қўйишдан сақланиш лозим. Бу кўнларда имкони борича фарзандлар тарбияси, уларни ва узини маънавий камолотга етказиш ишлари билан шугулланиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари яхшиларни зиёрат қилиш ва уларнинг суҳбатда бўлиш ҳам маъмур кўнларнинг тинч утишига ва ҳаётларининг барқарор бўлишига сабаб бўлур.

АҚРАБ (23.10 — 21.11) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта давлат ва саодатга эришиш кўнлари бўлиши кутулади. Бу кўнларда душманлари устидан зафар топулар. Юз беражак барча мушкулотлар осон бўлур, ҳамда қан

ча ҳолатлари бўлса Аллоҳга илтижо қилсалар иншоаллох, ижобат бўлур. Яшаш шароитлари яхшиланиб, гам ва ташвишлардан иншоаллох, ҳалос булғайлар.

ҚАВС (22.11 — 21.12) ойда туғилганлар учун келаси ҳафтанинг аввалги ярми омадди, қолганлари эса наҳс келиши кутулади. Шунинг учун натижаси номаълум, пуллик булган ишларни мана шу олдинги кўнларда ҳал қилиб олган маъқул. Бундан ташқари, бу кўнларда сафарга чиқиш, бошлиқлар қабулига кириш ва катта маросимлар ўтказиш мумкин. Лекин қолган кўнларни анча эҳтиёткорлик билан уташиш талаб этилур.

ЖАДДИ (22.12 — 19.01) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта омадди келиши кутулади. Иншоаллох, бу кўнларда барча хайрли ишлар яхши натижа билан тугайди. Хусусан, савдодан қўланган фойда келиб, ҳатто ортиқча натижаларга ҳам эришилур. Бу кўнларда туй-ҳашамлар ўтказиш ва сафарларга чиқиш, иншоаллох, қўланган натижалар берур. Аллоҳ берган мол-дунедан закот ва ушурларни бериш ҳафтадаги омадга яна ҳам омад қўшади. Валлоху Аълам.

ДАЛВ (20.01 — 18.02) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта омадди келиши кутулади. Мазкур кўнларда режадаги барча ишларни бажариш мумкин. Хусусан, савдо-сотик, илмий-ижодий ҳамда ишлаб чиқариш ишларида катта муваффақиятларга эришиш эҳтимол қилинади.

ХУТ (19.02 — 20.03) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта наҳс аралаш келиши кутулади. Хусусан, маблағ масаласи ва ишлаб чиқариш ишларида ҳолат тескарига кетиши мумкин. Шуларни назарда тутиб, имкон бўлса ҳафта давомида савдо-сотик ва умуман пуллик ишлардан тўхтаб турилса ва ишлаб чиқариш соҳасида ҳам тақомиллаштириш билан машғул бўлинса, иншоаллох, нохушиқлардан омон қолинур.

ҲАМАЛ (21.03 — 21.04) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта тула омад ҳафтаси бўлиши кутулади. Бу кўнларда оила бюджетига катта маблағ тушиши мумкин. Сафарга чиқиш, туй-ҳашамлар ўтказиш ва ҳафта давомида ота-оналарнинг ризолигини олиш, уларни тез-тез зиёрат қилиб туриш кўп яхшиликлар келтиражак.

САВР (22.04 — 20.05) ойда туғилганлар учун бу ҳафта қувончли бўлур. Барча мақсадлари

етиб, ҳамма гам-қулфатлардан ҳалос бўлиши кутулади. Булар урнига бахт ва давлатга эришиладур. Кўнгиладигай барча хайрли ниютлари иншоаллох, рубёга чиқар. Касал ётган яқин беморлари бўлса соғайиб кетарлар, сафарда булсалар, ватанларига қайтиб келурлар, иншоаллох. Барча ёмон куз билан қаровчилар ҳафта давомида бйрон зиён етказа олмайдилар.

ЖАВЗО (21.05 — 21.06) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта наҳс аралаш келиши кутулади. Хусусан оилада бир қанча кўнгилсизликлар юз бериши мумкин. Бу ҳолатлардан сақланиш фақат ширинсузлик ва оилага хиенат қилмаслик натижаси эрур. Бундан ташқари, маблағда ҳам етишмовчиликлар пайдо бўлур. Лекин булар вақтинчалик. утиб кетиши кутулади.

САРАТОН (22.06 — 21.07) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта осойишта ва оддий утиши кутулади. Бу кўнларда доимий кўндалик ишларни давом эттиравериш мумкин. Шу билан бирга хизмат сафарига чиқиш, раҳбарлар қабулида бу-

лиш ҳам қутилган натижалар келтириши эҳтимоли бор. Ҳафта давомида оилада ва ишхонада қувончли воқеалар шоҳиди бўлишлик кутулади.


АСАД (22.07 — 22.08) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта тула омад ҳафтаси бўлиши кутулади. Иншоаллох, бу кўнларда барча юришмай турган ишлар юришиб кетур.

МУНАЖЖИМЛАР
ТАЪБИРИ

(3—10 июль ҳафтасига)

Кўнгиладигай булган ваҳм ва ҳавф-хатарлар барҳам топар. Агар сафар ниют қилинган бўлса, бемалол бориш мумкин, кўп неъмат ва манфаатларга эга бўлинур.

СУНБУЛА (23.08 — 22.09) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта оддий кўнлардан иборат бўлиши кутулади. Деярли эса қоладиган воқеалар булмаслиги эҳтимол қилинур. Бу кўнларда оилавий қариндош-уруғларни зиёрат қилиш жуда мароқли утиши кутулади. Ишлаб чиқариш, илмий иш ва дала ишла-



ДУШАНБА, 3

УзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 "Жараён".
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. "Ўзбек киноси саҳифаларида".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Миллионлар минбари".
22.00 Театр учрашувлари. У. Умарбеков. Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикали драма театрининг "Фотиима ва Зухра" спектакли ҳақида.
23.00 Ўзлонлар.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

УзТВ II
"Тошкент"
студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Кўзунчоқ".
19.00 "Таҳлил".
19.10 "Бу бўстон аро...".
19.45 "Спорт-тайм".
20.15 — 21.50 "Оқ бўрилар". Бадий фильм.

УзТВ III
"ОСТАНКИНО" РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ, РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.00 "Тигиз пайт".
19.05 "Куйини топинг". Телеўйин.
19.05 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".

20.40 "Репортёр".
20.55 "Давр дарёси".
21.00 "Асл ҳолича".
22.00 "Вести".
22.25 — 23.25 "Формула-1" класидаги автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Франция Гран-приси. Маныи-Курдан кўрсатилади.

УзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 "Мультикарусель".
19.00 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
20.45 "Салом, ёшлар!"
21.25 Жаҳон географияси.
22.15 Ўзлонлар.
22.20—24.00 Видео — "О".

СЕШАНБА, 4

УзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.00 "Ез ҳикоялари". Бадий фильм.
9.20 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим".
10.00 Немис тили.
10.30 "Абитуриент-95". Физика.
11.00 Болалар учун. "Бу дамлар ўшар эртакка".
11.30 "Истеъдод-95". Ёш хонандларнинг кўрик-танлови.
12.10 — 12.40 "Бола бошидан...".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.20 Болалар учун. "Кўғирчоқлар — менинг дўстларим".
18.50 Янги куйлар ва кўшиқлар.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Шеърый дақиқалар".
20.05 "Гул кўп, чаман кўп".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Бевосита мулоқот.
22.15 "Наримон ёхуд кинога бахшида умр". Кинокўрсатув.
23.15 Ўзлонлар.
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

УзТВ II
"ОМАД" таништиради:
18.30 Табиат дунёси.
19.20 "Мультифейерверк".
19.50 Янгиликлар.

19.55 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.15 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
21.30 Видеоид.
21.50 "Теле-ателье-шоу".
22.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
22.40 — 00.20 "Кинонигоҳ".

УзТВ III
"ОСТАНКИНО",
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00 "Телетонг".

18.10 "Тигиз пайт".
18.35 "Куйини топинг". Телеўйин.
19.05 "Мавзу".
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.40 "Вақт кутиб турмайди". Бадий фильм. 1-серия.
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 Тунги телесериал. "Океан". Бадий фильм (Италия, Испания, Англия). 1-қисм.
23.30 — 23.40 Криминал хабарлар экрани.

УзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мультикарусель".
18.55 "Олам ва инсон".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.00 "Соккер-клуб".
21.45—21.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 5

УзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 Болалар учун фильм. "Кўксери".
9.30 Алифбо сабоқлари.
10.00 "Ўсмир ва қонун".
10.30 "Абитуриент-95". Математика.
11.00 "Кўшиқ билан кўнгул покларнур". Қорақалпоғистон телевиденисининг кўрсатуви.
11.35 — 13.35 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.30 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Улкан оқин". Абай таваллудининг 150 йиллигига.
22.05 Ўзбекистон халқ артисти Олмадон Хайитова куйлайди.
22.40 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси (Ҳиндистон). 4-қисм.
23.25 Ўзлонлар.
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

УзТВ II
"Тошкент"
студияси таништиради:
18.30 "Хайвонот оламида".
18.50 "Янги иқтисод".
19.20 "Саломат бўлинг!".
20.00 "Муסיкий меҳмонхона".
21.00 "Тошкент оқшомида".
22.00 — 23.40 "Кинематограф".

УзТВ III
"ОСТАНКИНО",
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00 "Телетонг".

18.10 "Тигиз пайт".
18.35 "Куйини топинг". Телеўйин.
19.05 1995 йил кўшиқлари.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".

20.40 "Рег-тайм".
21.00 "Губернаторлар клуби".
21.40 Криминал хабарлар экрани.
21.55 "Давр дарёси".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.35 — 23.20 Тунги телесериал. "Океан". Бадий фильм. 1-серия. 2-қисм.

УзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 "Мультикарусель".
19.00 "Кашф этилаётган имкониятлар".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
20.45—23.45 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ИЮЛЬ

ПАЙШАНБА, 6

УзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 "Ўғил бола гап". Бадий фильм.
9.30 Инглиз тили.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Оқар дарёлар".
10.50 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт.
11.20 "Юнус Ражабий". Телефильм.
11.50 "Табиат шайдолари".
12.20 — 13.20 "Санъат маскани". М. Уйғур номидаги Санъат институтининг 50 йиллигига.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.20 "Хазинамиз таянчи".
18.55 "Тилга эътибор".
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 Чанг тароналари.
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Олтин мерос". Собир Абдулла.

22.15 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси (Ҳиндистон). 5-қисм.
23.00 Ўзлонлар.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

УзТВ II
"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгул".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Теле-ателье-шоу".
19.10 Янгиликлар.
19.15 Видео янгиликлари.
19.35 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
21.10 — 22.50 "Кинонигоҳ".

УзТВ III
"ОСТАНКИНО",
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00 "Телетонг".

18.10 "Тигиз пайт".
18.35 "Жаз оламида".
19.05 "Маҳбубалар". Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".

20.40 "Давр дарёси".
20.50 РТР таништиради: "Елена Великая".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.30 — 23.10 Бутунроссия қизикчилар фестивали.

УзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мультикарусель".
18.55 "Ишбилармон".
19.15 Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дустларимиз сайёраси".
20.20 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20—22.05 "Юксалиш".

ЖУМА, 7

УзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 "Азизам, меҳрибоним онам...". Бадий фильм.
9.25 Немис тили.
9.55 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
10.45 "Қирқ хунар ҳам оз".
11.15 А. Екубов. "Хукм". Телеспектакль.
12.05 Дутор ва танбур тароналари.
12.35 "Хуқуқингизни биласизми?".
13.05 — 13.35 "Болалар меҳмонхонаси".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.20 Болалар учун. "Кувноқлар даврасида".
18.50 "Маърифат бешиги".
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Меҳнат аҳли". Акмал Пўлат лирикаси.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Ёшлик" студияси. "Гап йўк".
22.30 "Мирзо Ғолиб". Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси (Ҳиндистон). 6-қисм.
23.15 Ўзлонлар.
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

УзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Ўтмишсиз келажак йўк".

19.00 "5+1". Ўсмирлар учун кўрсатув.
19.30 "Билиб кўйган яхши".
19.55 Қарат-до бўйича Тошкент шаҳар чемпионати.
20.15 "Бизнес-академия".
20.40 Жаҳон киносининг 100 йиллигига. "Чет эл киноси юлдузлари".
21.20 — 22.00 "Цирк майдонида".

УзТВ III
"ОСТАНКИНО",
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00 "Телетонг".

18.10 "Ёввойи дала".
18.30 "Инсон ва қонун".
19.00 "Муъжизалар майдони".
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".

20.40 "Жентльмен-шоу".
21.00 "Давр дарёси".
21.05 "К-2" таништиради: "Сюжет".
22.00 "Вести".
22.25 "Тафсилотлар".
22.40 — 00.10 Киномарафон. "Биз ва бизнинг тоғларимиз". Бадий фильм.

УзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мультикарусель".
18.55 Телефильм.
19.05 "Ёшлик" студияси. "Янғроқ созим".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
20.45 Дэвид Копперфильд. "Афсунгарлик билан 15 йил".
21.20 "Панорама".
21.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
22.10 "Даракчи".
22.20 Ўзлонлар.
22.25 — 00.05 Видео — "О".

ШАНБА, 8

УзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 "Чукотка бошлиғи". Бадий фильм.
9.30 "Оламни асранг!".
10.00 "Театр ва болалар". Мунозарали кўрсатув.
10.40 "Чорраха".
11.10 "Нигоҳ".
11.55 "Хужжатли фильм экрани".
12.35 "Кувноқ стартлар".
13.35 — 14.15 "Дил номалари". Муסיкий кўрсатув.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. "Бир сиқим тупроқ".
18.35 Спорт хабарномаси.
18.50 Хонанда Абдулхай Каримов куйлайди.
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзлонлар.
19.55 "Санъат олами".
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда".

22.05 "Ватанни севмоқ иймондан дур".
23.05 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
23.15 Ўзлонлар.
23.20 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

УзТВ II
"ОМАД" таништиради:
9.00 Табиат дунёси.
9.50 "Мультифейерверк".
10.20 Янгиликлар.
10.25 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.45 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
12.00 Видеоид.
12.20 "Теле-ателье-шоу".
12.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
13.10 "Кинонигоҳ".
14.50—18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ". "Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Оқ соя".
19.40 "Саломатлик — туман бойлик".
20.25—22.15 "Кинематограф".

УзТВ III
"ОСТАНКИНО",
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.15 Э. Молиаронинг "Менинг Бенжамен тоғам" кинокомедияси (Франция).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 "Время".
20.45 "Вақт кутиб турмайди". Бадий фильм. 2-серия

22.00 "Вести".
22.25 "Жипси Кингс Москвада".
23.20 "Давр дарёси".

23.25 — 00.25 "Петербург мавсумлари".
УзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 "Дўстлик сарҳад билмайди".
10.30 — 11.00 "Ёшлик" студияси. "Аскар мактублари".

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мультикарусель".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Рангинкамон" (тожик тилида).
20.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.40 "Ўзбекистон — умумий уйимиз".
21.10 "Кўнгул кўприклари".
21.50 "Деҳқон даладан қайтди".
22.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
23.00—23.20 "Бу ажиб дунё".

ЯКШАНБА, 9

УзТВ I
6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.30 "Шохруҳ" клуби.
10.00 "Ватанга хизмат қиламан".
11.00 "Ўзбектеlevision" кўрсатади. "Тошкент".
11.30 "Болалигим—пошологим". Видеоканал.
13.30—14.30 "Қишлоқ ҳаёти".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Кўшигим, жон кўшигим".
18.40 "Оламга сەҳват". Кинокўрсатув.
19.05 "Ойнаи жаҳонда...".
19.25 Ўзлонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Ўзлонлар.
20.05 "Якшанба оқшомида".
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Ўзлонлар.
21.35 "Мозийга бир назар".
22.05 "Тимсол" видеоканали.
23.35 Ўзлонлар.
23.40—00.10 "Ҳафтанома".

УзТВ II
"ОМАД" таништиради:
10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгул".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Теле-ателье-шоу".
10.40 Янгиликлар.
10.45 Видео янгиликлари.
11.05 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
12.40—14.20 "Кинонигоҳ".

17.00 "Совға".
17.30 Жаҳон географияси.
18.20 Ўзлонлар.
18.25 Видео — "0".
20.05 Ўзлонлар.
20.10 "Курьер".
20.30 "...яна об-ҳаво ҳақида".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
21.10 "Авто-клуб".
21.30 "Машҳур кишилар клуби". М. Матъе.
22.10 Ўзлонлар.
22.15 "Даракчи".
22.25 Ўзлонлар.
22.30—00.10 Видео — "0".

УзТВ III
"ОСТАНКИНО",
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 "Юзма-юз". Кўрсатувни А. Любимов олиб боради.
18.30 "Санамлар, санамлар...". Хулио Иглесиас.
19.25 Пьер Ришар "Альфреднинг бахтсизлиги" кинокомедиясида (Франция).
21.00 "Якшанба".
21.50 "Автолаҳза".
22.00 "Вести".
22.25 "Давр дарёси".
22.30 — 23.30 Волейбол. Жаҳон лигаси. Италия — Россия. Бразилиядан кўрсатилади.

УзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Аэробика.
9.15 "Жонли сайёра".
9.35 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!" Мультифильм.
10.15 "Коллекция".
10.35 "Менинг кўчам".
10.50 Эртақларнинг сеҳрли олами.
12.35—12.45 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.10 "Подийум".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Ташрифлар ва тақлифлар".
20.30 "Ҳамкорлик—тараққиёт нишонаси". Туркия.
21.05 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.05 "Ёшлик" студияси. "Гул ва ...".
22.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.45 "Бу ажиб дунё".
23.05—23.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ОИЛАВИЙ СУХБАТ

— Пенчевга қаттиқ парҳез тайинлашибди.
— Ундай бўлса Пенчевни меҳмонга чақириш керак.

БУФЕТДА

— Марҳамат қилиб менга котлет келтирсангиз.
— Жоним билан.
— Жонингиз керак эмасу, картошкаси купроқ бўлсин.

СЕВГИ ИЗҲОР ҚИЛИШ

— Жонгинам, сенга айтмоқчи булган гапимни ҳеч топа олмаганман...
— Ҳеч қиси йуқ. Асосий гап пулни топишда!

Фойдалироқ

Габроволикнинг ўгли жарроҳ булишга қарор қилди.
— Аҳмоқ!— деди отаси. — Яхписи тиш доктори бул! Одамларнинг юраги битта, тиши эса 32 та.

— Қандай қилиб шу ешга кирганингизни тушунтириб беролмайсизми? — суради бир журналист бир юз йигирмага кирган чолдан.

— Сизга нима дейишимни ҳам билмай қолдим, — деди уйланиб чол, — ҳар ҳолда, шунча ешга кирганимнинг сабаби ҳа-

лигача улмаганим бўлса керак.

— Нега кунларинг доим жанжал билан утади?— қичқирди ота узининг икки углига қараб, — нимага гапларинг бир жойдан чиқмайди?

— Дада, биз ҳозир гапларимиз бир жойдан чиққани учун ҳам жанжаллашяпмиз, — деди катта ўғли:— Ганс торнинг катта булагини узига олмоқчи, мен эса узимга олмоқчиман.

КИЧИК ХАНГОМАЛАР

Хотин даргазаб булиб эрига деди:

— Гапингизнинг мазмунидан, сиз учун биринчи уринда футбол, ундан кейин мен турарканман-да!
— Сен ҳали хоккей борлигини бутунлай унутганга ухшайсан...

— Профессор:— Имтиҳон худди театрдек булади. Сиз актёр, мен томошабин.

Студент:— Қойил! Ҳозир суфлёрни чақираман.

— Нега бунча хафасан!
— Отамга китоб сотиб оламан, пул юборинг, деган эдим.

— Хуш, нима булди?
— Отам китобларни юборибдилар.

Имтиҳон олувчи домла студентдан суради:

— Саволлар қийинлик қилмаяптими?

— Йуқ, Саволлар жуда тушунарли-я, аммо уларга жавоб бериш мушкуллик қиляпти.

— Ҳой, жура, туринг!— дея уйғотди меҳмонхонада ҳамхонаси, — Ўстиққа бош урнига оёгингизни қуйиб олиб-сиз, бу қанақаси?

— Ис, шундайми?— ажабланиб суради у, — бошим оғрияптими, деб уйласам, оёгим зирқираётган экан, Қандай яхши!

Кофе ичиб утирган кассирларнинг бири иккинчисидан суради:

— Роберт, сен ҳаётингда купчилик одамлар орасида сузлаганмисан?

— Ҳа, бир марта гапиришга тугри келганди.

— Сен уларга нима дегансан?

— Жаноблар, мен айбдор эмасман, деганман!

Тушловчи: С. МАҲМУДОВ.

**Қадрли Обиджон МИРҚОСИМОВ!**

Сиз 1955 йилда Тошкент Давлат қишлоқ хужалиги институтини тугаллаб, туманимиздаги жамоа хужаликларида, туман қишлоқ хужалиги ишлаб чиқариш бошқармасида иқтисодчи вазифаларида меҳнат қилиб келдингиз. 1976 йилда район кенгаши ижроия комитети раиси уринбосари, режалаштириш бўлими раиси вазифаларига сайландингиз. 1987 йилдан буён туман қишлоқ хужалиги маҳсулотлари тайёрлаш ва сифат инспекциясида бош инспектор лавозимида самарали меҳнат қилиб келмоқдасиз. Сизнинг камтарона меҳнатларингиз «Меҳнатда урناк кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирланди. Утган йиллар мобайнида бир неча бор туман халқ депутатлигига сайландингиз. Сиз тарбиялаётган 6 фарзанд чинакам инсонлар булиб етишмоқдалар. 1 июль 60 ешга тулган кунингизда фаровонлик учун қилаётган меҳнатларингиз учун Сизга ташаккур билдирамиз. Сизга соғлиқ, узоқ умр тилаймиз. Оилангиз, болаларингиз бахти учун ҳар доим омон булинг.

Пискент тумани ҳокимияти.

**МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА
УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ**

**Бош муҳаррир
Саидакром
САИДВАЛИЕВ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Акмал АҚРОМОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,
Абдуманнон АЛИМБОЕВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Турғун НАЗАРОВ
(масъул котиб),
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,
Муҳайё ТҮЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ.



• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
• Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89

• Масъул котиб — 56-52-78
БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
• Ишлаб чиқариш ва хужалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10
Бухорода — 3-50-10
Жиззахда — 2-24-98
Гулистонда — 3-82-18
Навоийда — 3-41-99
Наманганда — 6-22-10
Нукусда — 2-44-46
Самарқандда — 35-64-22
Термизда — 2-70-07
Тошкентда — 56-82-79
Фарғонада — 24-48-53
Урганчада — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



• СОТУВДА эркин нархда.
• Жума кунлари чиқади.
• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:
Шомаҳмуд
ШОБИЛОЛООВ

• МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри,
«Правда Востока» кўчаси,
24-уй.

• Нашр кўрсаткичи:
64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компьютерида террилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
• Буюртма Г-0264
1 2 3 4 5 6

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**«САВДОСЕРВИС» ЖАМОА КОРХОНАСИ**

Куйидаги молларни нақд пулсиз ҳисоб рақамига пул утказиш орқали майда ва улгуржи тарзда бозор баҳосидан паст нархда сотади:

1. Чинни идишларнинг Осиё ва Европа навлари.
2. Қиррадор стаканлар.
3. Эмалланган идишлар, қора тунука челақлар.
4. Зангламайдиган пулатдан ясалган ошхона анжомлари (қошиқ, пичоқ, санчик) ва алюмин қошиқ ва санчиклар.
5. Турли хил пичоқлар.
6. Сигими 16-22 литрли алюмин қозонлар.
7. Электр буюмлар: чангюткич ва дазмоллар.
8. Электр еритиш арматуралари.
9. Хорижда ясалган 12-разрядли кичик калькуляторлар.
10. Офис ва корхоналар учун идоровий ҳамда умумий овқатлиниш мебеллари, раҳбарларга мулжалланган креслолар, аппаратура ва сервислар турадиган столчалар.
11. Юмшоқ ва нафис жиҳозлар: эшик ва дераза пардалари, тур-пардабоп буюмлар, ярим жун рўмоллар, оқ ва қорамтир халатлар.
12. Дастурхон ва қўл сочиқлар.
13. Гилам ва тафта буюмлари (поёндоз, гилам, шолча).
14. Металл жовонлар ва пулат сандиқлар.
15. Савдо-ошхона жиҳозлари.
16. «Сорго» супургилари, уйма кулфлар.
17. Электр элақлар, МП-250 русумли идиш-товоқ ювувчи машиналар.
18. Сунъий гуллар.

Мурожаат учун телефонлар: (3712) 90-40-37, 90-52-54, 90-54-84
Тошкент шаҳри, Зебо Шамеуддинова кўчаси 41-уй, 68-автобуенини «Подземник» даволи бекати.

КОРХОНА, ХҲЖАЛИК ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«СЕРАЗ» фирмаси ўзи тайёрлаган юқори унум билан ишлайдиган куйидаги ускуналарни сотиб олишни таклиф этади:

- универсал тегирмонлар;
- шлакли блоқлар тўтламлари;
- шולי оқлагичлар;
- маккажухори доинни сутасидан ажраткичлар;
- ун, дон ва бошқа шунга ухшаш маҳсулотларни эловчи механик ускуналар;
- пойдевор плиталари учун қошиқлар;
- ер ёнғоқ тозаловчилар;

Тулошлар ҳисоб рақамига пул утказиш йули билан булади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Г. Петров кўчаси 327-уй.

Телефон: (3712) 96-61-71. Эрталаб соат 9 дан кундуз соат 16.00 гача кўнгироқ қилиб мурожаат этиш мумкин.

САВДО КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Соф узбек пахтадан тайёрланган енгил, юмшоқ, қулай ички кийимларга эҳтиёж сезсангиз кечиктирмасдан бизга мурожаат қилинг. Кўнглингизга мос эркақлар, аёллар ва болаларнинг энг замонавий нусхаларда тайёрланган ички, тунги ҳамда уйда кийишга мос трикотаж кийимларини, пахталикларни ва чақалоқлар учун комплексларни анча арзон баҳоларда, чекланмаган миқдорда тавсия этамиз.

Нархи келишув асосида.

Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри,

Ибн Сино кўчаси. Уй-155.

«Зухал» трикотаж кийимлари

ҳиссадорлик жамияти.

Телефонларимиз: Чортоқ (коди: 89237)

21182, 23357.


ФАКС 24399.

самолёти ҳар сешанба куни «Тошкент» халқаро аэропортидан учади.

Тулов сумлар орқали булади. Сайёҳларнинг юклари узлари билан бирга уша самолётда ташилади, унинг 50 килограмми учун ҳақ олинмайди.

Мурожаат учун манзилимиз: 700011 Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 16а-уй. Телефонлар (3712) 41-51-51, 41-59-52.

Somsar S



Суриянинг «Миди» фирмаси билан Тошкентдаги «Семсар С» сайёҳлик фирмаси Сурияга Тошкент—Алешпо—Тошкент йуналиши буйича чартер рейсларини ташкил этмоқда. Сайёҳлик